

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**«ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»
КАФЕДРАСИ**

Костюм композицияси асослари
фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2014

1-Маъруза (2 соат)

Мавзу : КОСТЮМ МОДАСИ ВА УСЛУБИ

Режа:

1. Услуг – даврнинг бадиий тили
2. Моданинг пайдо бўлиши
3. Моданинг хусусиятлари
4. Моданинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар

Адабиётлар: [1], 5-126, [2], 5-156.

Кийим кишилик жамияти ривожланишининг илк босқичларида пайдо бўлган. Хайвонлар териси, балиқ ичаклари, ўсимликлар ва ҳоказолар кийим учун материал бўлган.

Кийимнинг тарихий ривожланишига, унинг ўзгаришига услуб ва мода сабаб бўлади.

Услуг-бу жамият моддий ва маънавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли системаси ижодий принципларнинг тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир. Услуг- бу даврнинг бадиий тили, унинг бадиий характеристикаси. Давр ўзига хос ижтимоий-иқтисодий формация билан белгиланади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос бадиий услуби бўлади. У жамият ҳаётидаги муҳим омилларни акс эттиради. Ҳар қайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлар, инсоннинг маълум даражада костюмда ўз ифодасини топган муайян эстетик идеалини ўзига бўйсудирар эди.

Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси (қад-қомати) ётади. Ҳар бир гармония (юнонча *harmonia*-предметлар, воқеалар, бутун қисмларнинг турли сифатларининг боғлиқлиги, келишганлиги, мувофиқлиги, монандлиги) ва баркамоллиги ҳақида, инсон гавдасининг эстетик идеаллаги тўғрисида ўзининг тушунчасини ривожлантирарди, бундан эса костюмдаги мутаносиблик, кўлам геометрик ҳажм, шакл ва рангларнинг турли-туманлиги келиб чиқади.

Муайян ижтимоий-иқтисодий формация тикувчилик рассомларининг канчалик меъёр, эстетик идеал билан ёндашганлиги моддий муҳит предметлари стилининг кўп турлиликдаги бирлигининг характерини белгилаб берарди.

Антик дунё санъатига юксак баҳо бериб, унинг бир бутунлигини таъкидлаб, К.Маркс унда санъат турлари билан ишлаб чиқариш даражаси ўртасида меъёрнинг энг юксак кўринишидаги услуб бирлиги бўлганлигини

ёзган эди. Антик эстетикада меъёр гўзалликнинг асоси, меъёр йўқлиги эса ўхшовсизлик (Афлотун) экани ҳақидаги қоида бор. Юнонлар меъёр билан гармония ўзаро мустаҳкам боғлиқ бўлиб, бунда меъёр ижтимоий амалиётда ҳам норма вазифасини ўтайди, деб билардилар. Улар одам гавдасини бир маромдаги шакл идеали деб ҳисоблардилар. Юнон архитектураси, ҳайкаллари ва костюмлари «одам гавдасининг акс садоси»гина эди.

Қадимий юнон костюмининг услуби газлама билан инсон шакли ва табиий мутаносиблигининг гармоник бирга қўшилганлиги бўлиб, бу елкадан пастга томон бемалол осилиб турадиган кийимдаги беҳисоб хилма-хил тахламаларда, драпировкаларда ўз ифодасини топган эди. Кийим тўғри тўртбурчак газламадан иборат бўлиб, уни елка устида боғлаб ёки елкага ташлаб қўйиб, гавданинг табиий гўзаллиги ва ҳаракат бемалоллигини кўрсаталиган ва унга халақит бермайдиган нафис тахламалар тушириб драпировка қилиб қўйиларди. Кийиниш санъатидан баҳраманд бўлиш ва «стандарт» шаклдаги хилма-хилликни топиш учун катта усталик, маданият ва дид керак бўларди.

Инсон моддий ва маънавий маданиятнинг Ҳамма соҳалрида черков ҳукмронлик қилган, Европа мамлакатларида феодализм мустаҳкам қарор топган ўрта асрлар даврида махсус эстетик идеал ва шунга мос костюм характери таркиб топди. Одамзод гавдасининг гўзаллигидан завқланиш номуносиб ва гуноҳ иш ҳисобланар, шунинг учун гавдани қўполдан-қўпол, оғир, кейинчалик эса чўзиқ шаклларига ўраб ташлар эдилар.

Тор юқори қисми қатор-қатор мураккаб тахламалардан иборат, орқа этаги жуда узун кўйлак жуда баланд конуссимонбош кийим ва ниҳоятда чўзиқ пойабзал билан бирга қўшилиб қад-қомат кўринишини ўзгартириб юборарди. Аёл кишининг идеал образига, яъни она, мадонна образига мурожаат қилиш ана шу вазиятнинг инъикоси эди. Костюмнинг мураккаб силуэт чизиқлари гавданинг эгри чизиқ пластикасига мувофиқ келарди. Костюмда бир томондан назокатни, оналикни таъкидлашга интилиш акс этган бўлса, иккинчи томондан черков кўрсатмаларига биноан гавдани яширишга, уни тахламаларга кўмиб ташлашга интилиш акс этган эди.

Ўрта асрлар костюм гавдани турли воситалар (шнурлар, корсетлар) ёрдамида қаттиқ қисиб, табиий шаклдан узоклаштирадиган «ғилоф» системаси ривож топишини бошлаб берди.

Бундай костюм юқори томон интилган бутхоналар архитектура шакллариининг дабдабадор, чўзиқлигида, турмуш ва одатларнинг сертакаллуфлиги ва тамтароқлигида намоён бўлган ўша давр умумий услубининг ифодаси эди. Руҳий омил билан моддий омил ўртасидаги зиддият кучайиб кетганлиги натижасида ўрта асрлар санъатида диспропорция билан асимметрия алоҳида ифодасини топади.

Уйғониш даврида эстетик дунёқарашларни қайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеология шаклланади. Бу буюк географик кашфиётлар, илм ва техника ютуқлари даври, санъат даври эди. Бу Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело каби улуғ алломолар даври эди.

Бу давр кишиси фаол, кучли, ғайратли, ҳаракат қилиб тўймайди. У ўрта асрлардаги сингари гавдасидан уялмайди, балки ундан фахрланади. Одамнинг табиий қомати эстетик идеал ҳисобланади. Тахламалар қилинган ва басавлат турадиган юбка, кўплаб бўғмали ва кесмалари бор енгли, очик декольтели костюмлар кийилган. Кийим оғир духобадан, парча, атлас, мовутдан, мўйналардан тикилади. Костюмда жуда кўплаб қимматбаҳо тош безаклари ишлатилган. Соч оддий, табиий ҳолда, тўр тортиб, харир газлама тутиб, қимматбаҳо зийнатлар тақиб безатилган. Пойабзал – оёқда бемалол турадиган кенг бошмоқлар бўлган.

Уйғониш давридаги вазмин гармоник шаклларнинг акси тариқасида абсолютизм, дворянлар маданияти ва дунёни бўлиб олиш мақсадидаги урушлар таъсирида таркиб топган Барокко услубидаги XVII аср санъати келиб чиқади. Санъатда тантанаворлик, улуғворлик, дабдабадорлик, тийиксиз зеб-зийнат, театрона қалбаки хусусиятлар ҳукмрон бўлиб қолади.

Эндиликда одам маънавий қудратини гавда пропорцияларининг гўзаллигини намойиш қилмайди; ижтимоий-молиявий дунёдаги қудратли одам образи эътибор марказига ўтади. Атайлаб сохта ҳолатда туриш, театрча хатти-ҳаракат, дабдабали серсавлат аломатлар юзага келади.

Гавданинг пластикаси ўзгаради, чунки подшо саройларида оёқ учиди юриш лозим бўлиб, бу пошналар пойабзал пайдо бўлишига олиб келади. Гавдани муносиб қилиб кўрсатиш учун костюмнинг елкаси, қорин қисми тагига Ҳар хил тагликлар қўядилар. Аёллар кийими қимматбаҳо газламалардан (парча, муар, атлас, духобадан) кўпқаватли қилиб тикилиб, нақш жимжималари, бантлар ва тўкилган тўр билан безатилади. Эркалар модасида бант бойланган, тўр тикилган, қимматбаҳо тошлар тақилган ҳарбий костюм (мушкетёрлар костюми) ҳукмронлик қилади. Парик модага киради.

XVIII асрда Барокко услуби ўрнига нозик – нафис Рококо услуби юзага келади. Бу услуб ўзидан олдинги услубнинг бевосита давоми бўлиб, ундан шаклларининг назокатлилиги, мураккаблиги билан ва ғаройиб жимжимадорлиги билан фарқ қилади. Бу услуб учун мавжуд воқеаликдае кечиб, орзу – умидлар, севги мухаббат оламига интилиш характерлидир. Бу услуб таъсирида манфаатдорлик вазифасига алоқадор бўлмаган костюм қарор топади. Бундай костюмда гавданинг бел қисми, кўкрак, бўкса кўзга ташланиб туради. Костюм енгил, нозик бўлиб, бошдан-оёқ гул тикилган, тюльдан, «газсимон» материалдан, тўкима тўрдан, «кўпчитиб» қўйгандек тикиб безатилади.

XIX асрдаги европача костюм (Европа костюми) тарихи 1789 йилдаги француз буржуа революциясининг бўронли воқеаларидан бошланди.

Янги даврга капитализмнинг, фан ва техниканинг гуркираб тараққий этиши, янги-янги материаллар, тикув машинаси пайдо бўлиши характерли эди. Бу чексиз изланишлар асри, бир-биридан принципаал фарқ қиладиган икки йўналиш: ҳунармандларнинг тер тўкиб қилган меҳнати яратган эски анъанавий санъат билан янги санъатнинг тўқнашув асри эди.

Натижада илгариги услубларнинг ҳаммаси: антик дунё ва қадимги рим санъатига ўхшаб кетадиган классицизм, амбир, сохта готика, янги борокко,

янги рококо ва ҳоказо услублар калейдоскопдаги сингари бирин-кетин ўтади. Бу таклид қилиш асри эди.

Конструкциянинг вазифаси, мантиқи билан кийим материали ўртасида мустаҳкам алоқа ҳали йўқ. Костюмда қатор-қатор шакллар, силуэтлар; каркаслардан (классицизм давридаги корсет ва кринолиндан) халос бўлиш ва яна гавдани шулар ёрдамида қисиш, айрим материалларни, безакларни ва костюмни манзарали тикишни абзал кўриш кўзга ташланади. Аёлларни озодликка чиқариш ҳаракатининг бошланганлиги, аёлларни велосипед, теннис, чавандозлик каби айрим спорт турларига қизиқиши ҳам костюмда акс этди. Эракалар костюми ишчанликка, амалий фаолиятга мосланиб, узил-кесил ва батамом аёллар модасига биринчиликни бериб қўяди.

XX аср шакли ва материаллар танлашда қатъиян хизматбопликни, соддаликни, бемалолликни ўз принципи деб эълон қилади. Бу аср-фан – техника тараққиёти асри, саноат ишлаб чиқаришининг гуркираб ўсиш асри, аёл кишининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнашув асри, космос асридир.

Аслида биттагина шакл ғояси-ернинг тортиш кучини, вазнини ва статикликни динамик енгиб ўтиш ғояси санъатга асос қилиб олинган. Костюм корсет, кринолин, турнюр ва ҳоказо сунъий нарсалардан гавдани халос қилади, аёл гавдасини озод этади, башанглик ҳақидаги эскича тасаввур ўзгаради. Костюмнинг асосий интилиши одам ҳаракатларига максимал даражада мос бўлишдан, одамни эзмаслик, уни ўзига бўйсундирмасликдан, балки унинг ҳаётий манфаатлари изидан боришдан, индивидуалликни рўёбга чиқаришдан иборат бўлади. XX аср ўзи учун анчагина барқарор элементлар топиб, шуларни ишлатиш ёрдамида кийим шакллариининг ниҳоятда кўп хилма-хиллигига эришди.

Костюмнинг образли ифодалигиги эндиликда илгарилигидан бошқа воситалар ёрдамида эришилади, яъни силуэт тез-тез алмашиб туради, чизиқлар инжиқ ва диомий эмас; гавда билан костюмнинг ўзаро боғлиқлиги динамикада ифода топади-кийим бир қарасангиз гавдага ёпишиб, гоҳида унга салгина тегиб, баъзан эса гавдадан жуда қочиб турадиган бўлади. Костюмни шакллантиришда хизматбопликни асос қилиб олган дизайн, яъни саноат буюмларини бадий лойиҳалаш актив роль ўйнайди.

Назорат саволлари

1. Композиция тушунчаси санъатда нимани аниқлайди?
2. Костюмга қандай бўлимлар киради?
3. Бадий услуб нимага асосланади?
4. Мода тушунчаси нимани ифодалайди?

2 –Маъруза (2 соат)

Мавзу: КОСТЮМНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ. КИЙИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА СИНФЛАНИШИ

Режа:

1. Композициянинг асосий тушунчалари
2. Кийимнинг вазифалари
3. Кийимнинг синфланиши
4. Костюмдаги баъзи атамаларни аниқлаш

Адабиётлар: [1], 12-16 б, [2], 15-18 б, [3] 10-14 ,33-36 б.

Мода (франц., mode — меъёр, тарз, усул) пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор-қатор ҳаёт омилларига боғлиқ, имсоннинг жуда кўп фаолиятига ўтади.

Мода — турмушнинг ташқи кўринишида, асосан кийимда намоён бўладиган бирон диднинг муайян ижтимоий муҳитда озроқ вақт ҳукмрон бўлиб туришидир (В. Даль).

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг ўтмишга ва теварак-атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

Олдинида жамият бир қисмининг диди ўзгариши натижасида келиб чиққан мода кейинчалик услуб яратилишининг дастлабки моменти бўлиб қолиши мумкин. Услуб яхлит бпр система бўлиб шакллангандан кейин модани тартибга солиб, чеклаб ва йўналтириб туради.

«Умуман модага ҳайратланиб ва хайрихоҳлик билан қарамайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб, улар ўзининг етук бўлмаган ёки очикдан очик консерватив дидларини бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг ҳар бир таклифига улар ашаддий қаршилик кўрсатадилар. Улар тўнғиллаб зарда қилиб юрадилар, редакцияларни жаҳлдор хатларга кўмиб ташлайдилар, замонавий кийинган киши кетидан ҳайқариб кулги кўтарадилар. Бироқ ҳали ҳеч ким вақтни тўхтата олган эмас!» (В. Зайцев. Такая изменчивая мода. М., 1980, 11-бет).

Алмашлаб туриш моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик қадрини йўқотади. Бу эса моданинг характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча-ку, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган

эстетик топилмалар ҳам бўлади. Мода—замонавий дегани, эстетик қиймат эса ҳамма вақт ўзгармас бўлиб қолади. Бироқ моданинг зиддиятлилиги унинг прогрессивлилигини инкор этмайди. Мода инсоннинг янгилиниб туришдек табиий интилишига мос бўлади. Мода турмуш маданияти ва эстетикасини олға томон етаклаб боради. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маъқул ечимларни танлаб олади.

«Мода — бу янгилиниш! Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Нарсалар ҳаддан ташқари ўрганиш бўлиб кетса, одам улардан тез чарчайдигани бўлиб қолади. Мода зерикарли бир хилликдан ҳалос қиладди. Одамлар бир-бирига ёкишни хоҳлайди: чиройли кийинсам, яхши кўринсам дейди — бу табиий эҳтиёж» (Пьер Карден. «Неделя», 1975, 38-сон).

Мода—бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳамма вақт янгиликка ёки ғайритабиийликка тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда бунинг акси бўлган ҳодиса—ўзига ҳослик намоён этиш ҳам бўлади.

Мода қаерда пайдо бўлади? Кўпчилик Моделлар уйида деб ҳисоблайди. Хўш, Моделлар уйи бўлмаганда мода қандай пайдо бўлган? Ҳамма вақт моданинг автори бўлганми? Мода тарихчиси Беёнинг таъкидлашича, моданинг асосий чизиғини ҳеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ўса боради ва тараққий топади, у замона фарзанди-ю, лекин ўзининг қатъий характери бор.

Ижтимоий-иқтисодий тузум, иқлим, теваарак-атрофдаги табиат, халқ анъаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий-сиёсий воқеалар, фан, техника, спортга оммавий қизиқиш, янги материаллар пайдо бўлиши, космик давр каби турли-туман омиллар моданинг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Костюмдаги баъзи атамаларни аниқлаш. «Костюм» ва «кийим» тушунчаларини одамга, унинг гавдасига ва қиёфасига нисбатан кўриб чиқиш керак. Бу иккала тушунча одатда бир-бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам, аслида улар бошқа-бошқа маънони билдиради.

К и й и м - бу материалларнинг одам танасидаги қобиқ системаси бўлиб, танани иқлимнинг салбий таъсиридан сақлайди ва одамнинг ўзига ҳос хусусиятларини намоён қиладди.

К о с т ю м - бу кийим қисмларининг муайян образли-бадиий системаси ва бу қисмларни инсоннинг индивидуал образини ёки ижтимоий группасини характерловчи, қарор топган ёки ташкил топган принципларга асосан яратилган, муайян тарихий босқичда эришилган маълум техник, илмий ва маданий ютуқларни акс эттирувчи кийиб юриш тарзи. Кийим, бош кийим, пойабзал предметларининг, кўшимчалар ва безакларнинг йиғиндиси, шунингдек соч турмаги ва грим—буларнинг ҳаммаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Одатда, эркаклар ва аёллар кийимининг пиджак ва шимдан ёки жакет ва юбкадан иборат маълум бир турини ҳам костюм деб аталади. Кўшимчалар костюмга тугаллик кўринишини беради. Буларга шарф, сумка, зонт, ҳасса, перчаткалар қиради.

«К ў й л а к» терминининг иккита маъноси бор. Биринчидан, бу бевосита бадан устидан кийиладиган ич кийимни (ич кийим ва пойабзалдан ташқари) билдирса, иккинчидан, ич кийим устидан кийиладиган енгил кийим. Бундан ташқари аёлларнинг энг кенг тарқалган кийим тури ҳам кўйлак дейилади.

К и й и м-к е ч а к — бу маълум вазифага мўлжалланганликни ифода этувчи деталлар характериға биноан синчиклаб танланган, косметика ва причёска билан қўшилиб, костюмни тўлдирувчи ва безовчи предметлар билан бирлашган кийим. Нимаға мўлжалланганиға қараб кийим-кечак кишилиқ, кечалиқ, йўл-боп ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Г а р н и т у р — бу одатда айнан бир тур материалдан тайёрланиб, маълум бир нимаға мўлжалланган бир сидра предметлар йиғиндиси (ич кийим гарнитури, заргарлик буюмлари гарнитури ва ҳоказо).

Г а р д е р о б — бу бир қатор ҳолларда зарур бўлган бир сидра кийим комплектлари ва костюмни тўлдирувчи бошқа қўшимча предметлар, яъни бир кишининг ва бутун оила аъзолари ҳамма кийимларининг йиғиндиси. Бирға кийиладиган буюмларға қараб, гардероб, одатда, баҳорги-кузги, ёзги ва қишки бўлади. Моҳирлик билан сиичиклаб танланган шахсий гардероб турли ҳолларға мўлжалланган комплектлар ва ансамблларнинг бутун бир қатор чиройли, уйғунлашган мужассамлигини тузиш имконини беради.

К о м п л е к т — бир хил, ёки ҳар хил материалдан тайёрланган, нимаға мўлжаллангани ва услуб ҳал этилиш умумий бўлган тўла бир сидра буюмлар тўплами; комплектдаги айрим буюмларни мўлжалланганлиги ва услуб ҳал этилиши ўхшаш бошқа буюмларға алмаштириш мумкин. Комплект—бу очиқ система бўлиб, айрим буюмларни унга қўшиш ва ундан олиш мумкин.

А н с а м б л ь—костюмнинг муайян бадий услуб бирлигига эға бўлган ҳамма қисмларининг йиғиндисидир. Ансамбль ўзаро мустаҳкам бирликни бўлинмасликни билдиради. Ансамбль қисмларининг ўзаро қатъиян бўйсунганлиги сабабли инсон об-разини ва даврни энг тўлиқ ифода этишдек махсус хусусиятға эға бўлади. Ансамбль ягона композицион мўлжалға биноан; яратилиб, ундаги ҳамма қисмлар ўзаро мосланган ва ягона мақсадға итоат этган бўлади. Кўп қисмлилик ва кўп қаватлилик, ўзаро боғлиқликнинг қатъий системаси ва ҳамма қисмларини кийиш шарт эканлиги ансамбль учун характерлидир. Ансамбль — бу бирон қисмини олиб ташлаб бўлмайдиган ва бирон бошқа қисм қўшиб бўлмайдиган ёпиқ система.

Н а б о р — умўмий вазифа адо этувчи бир қанча буюмлар; унда материал билан услуб бирлиги бўлиши шарт эмас (болаларнинг ич кийим набори).

« М о д е л ь » сўзи, кийимға нйсбатан кўриниши, шакли, материали, безаға ёки бошқа сифатлари янгича бўлган кийим намунасини билдириб, кейинчалиқ тикувчилик фабрикаларида, артелда ёки уйда ўшанға қараб кийимлар тикилди.

Бир номли кийим группасидаги шакл, бичиқ ва бошқа хусусиятлар фарқини ф а с о н дейилади. Фасон кийим моделининг ўзига хос хусусиятлари йиғиндисини билдиради.

К о л л е к ц и я -- образли ечими, услуги, конструкцияси, шакли ва материаллар структурасининг ягоналиги асосида қурилган, вазифаси турлича бўлган моделлар серияси. Коллекция фақат бир мавсумнинг барча ассортиментини ёки ҳамма буюмларини қамраб олган бўлиши мумкин.

Кийимнинг вазифалари ва синфланиши. Ҳозирги кийимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

у т и л и т а р к и й и м — а м а л и й, ҳимоявий, эргонологик, гигиеник вазифаларини ўз ичига олади;

и ж т и м о и й к и й и м — регионал, профессионал, маросимларга оид, символик; вазифаларни ўз ичига олади;

э с т е т и к к и й и м — бадиий-образли вазифа билан айнан эстетик вазифани ўз ичига олади.

Костюмнинг вазифалари тарихан ташкил топган. Инсоният тараққиётининг илк босқичларида кийим аввало теварак-атроф дунёнинг ёмон таъсиридан муҳофаза қилиш вазифасини ўтарди. Турмуш тарзи, фаолият тури кийимда специфик элементлар пайдо бўлишига олиб келди, Кийим утилитар-амалий вазифаларни бажарадиган бўлди.

Жамиятда бошлиқлар, оқсоқоллар ажралиб чиқиши кийимга символик вазифаларнинг дастлабки элементларини киритди.

Табиат кучларини илоҳийлаштириш, дастлабки худоларга сиғиниш кийимни махсус шакллантиришни талаб этиб, диний маросим кийимлари пайдо бўлди.

Одам дастлабки маданий образларни теварак-атрофдаги борлиқдан оларди. Одам таклид қилишдан аста-секина костюмни бадиий-образли ҳал этишга ва унинг эстетик вазифаларига етиб келади.

Тарихий шароит айнан шу пайтда энг муҳим: бўлган вазифани етакчи сифатида илгари суради.

Ҳозирги кийимлардаги барча турли-туманликни; қуйидаги тартибда классификация қилиш мумкин.

Ж и н с - ё ш а л о м а т л а р и г а биноан кийим катта ёшлилар (эркаклар ва аёллар) кийимига ва болалар (ўғил болалар ва қиз болалар) кийимига бўлинади. Болалар кийими ўз навбатида еш аломатларига қараб бўлинади: ясли ёшидаги болалар кийими, мактабгача ёшдаги болалар кийими, ва мактаб ёшидаги болалар кийими ва ўсмирлар кийими.

К о с т ю м с и с т е м а с и д а г и и ш л а т и л и ш и г а биноан кийим ич кийимга, кўйлакка ва уст кийимга бўлинади. Ич кийим бадан устига, кўйлак ич кийим устидан, уст кийим эса кўйлак устидан кийилади.

Турли йил фаслларида м а в с у м и й - кийим кийилади. Мавсумга биноан кийим кишлоқ кийимга, ёзлик кийимга ва баҳорги-кузги (демисезон) кийимга бўлинади. Мавсумга биноан бўлиш региондаги иқлим шароитига боғлиқ.

Мўлжалланишига биноан кийим майший кийим, ишлаб чиқариш кийими, форма кийими, спорт кийими ва томоша кийимига бўлинади. Бу турларнинг ҳар бирини яна группа ва кичик группаларга бўлиш мумкин. Майший кийим уйлик кийимга (ухлашдаги, эрталабки ва кечки кийимларга, уй ишлари ва меҳмон кутиш кийимларига), кундалик кийимга (иш кийими ва турли машғулотлар кийими) ва башанг кийимга (маданият ва томоша муассасаларига бориш кийимларига) бўлинади.

Ишлаб чиқариш кийими ишлаб чиқариш турларига биноан бир-биридан фарқ қилади ва махсус муҳофаза кийими, иш кийими, символика кийими (масалан, йўл қурилиши ишчилари-нинг зарғалдоқ ранг нимчалари) деб юритилади.

Махсус кийим меҳнат спецификасига ва ишлаб чиқариш шароитига боғлиқ бўлади. У ишчини ишлаб чиқаришдаги зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш мақсадида (масалан, кон-чиларнинг, металлургия ва химия саноати ходимларининг кийимлари) ёки, ғайри табиий шароитда муайян ишлар бажарилишини таъминлаш мақсадида (масалан, ғоввослар, ўт ўчирув-чилар, космонавтларнинг костюмлари, махсус материаллардан ГОСТлар талабига қатъий мувофиқ қилиб тикилади).

Иш кийимининг вазифаси ишловчининг одатдаги кийимини кирланишдан, ишдан чиқиш ва йиртилишдан сақлаш ёки ишловчи учун бевосита кийим бўлиб (масалан, сотувчилар, медиклар, тўқимачилар, сартарошлар кийими) хизмат қилишдан иборат.

Форма кийими ҳарбийлар кийимига, маҳкамалар кийимига, (масалан, милиция ходимларининг граждaн авиацияси ва флот ходимларининг формалари) жамоат ташкилотларининг форма кийимларига, мактаб формаси ва униформа (швейцарларнинг кийими;) кийимларига бўлинади.

Жамоат ташкилотларининг форма кийимлари оддий ва қулай қилиб тикилади. Форманинг ранги, нишон ва эмблемалари, шунингдек ҳарбий аббревиатуралари символик аҳамиятга эга бўлади.

Мактаб формасининг ранги ва ёш группаларига биноан тикилганлиги болаларни интизомли қилишга, уларда ўз коллективи учун масъулият туйғусини ривожлантиришга ёрдам беради, барча болалар тенг деган муҳим ижтимоий проблемани ҳал этади.

Спорт кийими профессионал ва ҳаваскор спортчилар кийимларини ўз ичига олади. Рангларнинг ҳал этилиши ва символика элементлари қандай спорт жамиятига мансубликни кўрсатади.

Томоша кийимлар артистлар театрда эстрадада, циркда кийиб чиқадиган, оммавий театрлаштирилган юришларда, карнаваллар, фестиваллар, халқ байрамлари ва ҳоказоларда кийиладиган, ранги ва шакли жиҳатидан ниҳоятда турли-туман костюмларни ўз ичига олади.

Нимага мўлжалланганига ва мавсумга қараб кийим ҳар хил материаллардан тикилади. Бу жиҳатдан кийимни жун, шойи, ип газлама, зиғир толали материаллардан, шунингдек сунъий, синтетик ва аралаш толали материаллардан тикилган кийимларга бўлинади.

Кийимни, шунингдек, ассортимент группаларига биноан ҳам классификация қилинади.

Костюм композицияси асослари. Кийимнинг моделларини лойихалашдан уни бадиий ҳал этиш масалалари «Костюмнинг махсус композицияси» дарсларида ўтилади.

Композиция — бадиий асар шаклининг барча элементларини мазкур асарнинг образли ғоявий-бадиий мазмунини ифода этувчи узвий бир бутунликка бирлаштириш.

Кийим композицияси — кийим шакли барча элементларини, унинг мазмунини ифода этадиган бирликни барпо этиш воситалари ёрдамида тузиб чиқиш. Қийимнинг мазмуни унинг нимага мўлжалланганига қараб белгиланади. Кийим шаклининг композицияси унинг мазмунини очиб беришга олиб келиши кўрак.

Ҳар қандай бадиий асарда уни ташкил этган барча элементлар ўринли бўлиши керак. Ортиқча ёки муаллиф фикрини етарлича яхши ифода этмайдиган нимаики бўлса, ҳаммаси олиб ташланиши керак. Композиция махсус бадиий тилдан иборат бўлиб, унинг ёрдамида санъаткор борлиқни акс эттирувчи ғоя ва туйғуларни тасвирлаб беради. Бадиий образ борлиқ инъикосининг эстетик шакли ҳисобланади. Кийимнинг бадиий образи бу кийимнинг конкрет вазифашни ва борлиқни акс эттирувчи асосий ғояни ифодаловчи моделнинг умумий қиёфаси. Санъаткор яратган ҳар бир моделининг образи инсонга таъсир этишга қодир эмоционал ва таъсирчан бўлиши керак. Қийим ҳар ерда ва ҳамма вақт одам билан бирга бўлиб, унга ишонч, кадр-қиммат, оптимизм туйғуларини бахш этиши ёки аксинча, уни тушқунлик ва хафалик ҳолатига дучор қилиши мумкин.

Шундай қилиб, кийимнинг образли ифодавийлигига композиция санъати воситасида, яъни кийимни ташкил этувчи ҳажмлар, ранглар, чизиқлар, деталлар ва безак элементларини ягона узвий бир бутун қилиб бирлаштириш воситасида эришиладн.

Бироқ- модельернинг кийим ва бутун костюм образи устидагн иши энг муҳим жиҳатга, яъни вазифа нуқтаи назаридан қулай, ҳаётда ўринли костюм яратишга бўйсундирилган бўлибгина қолмай, балки ифодали бўлиши ҳам керак.

Композиция санъати санъаткорнинг қизиқ ва муҳим жиҳатларни кўра билиш ва алоҳида тарқоқ компонентларни бир бутунликка уюштира билиш маҳоратидан иборат.

Рассом Крамской шу фикрни мана бундай ифода этган: «Токи рассом кузатишни, қизиқ ва муҳим нарсаларни ўзи сезадиган бўлишни ўрганиб олмагунча композицияни ўрганиб ололмайди. Фақат ўзи сезадиган бўлган пайтдан бошлабгина унда илғаб олганининг моҳиятини ифода этиш имконияти бошланади; қачонки у ғояинг жумбоғи қаердалигини тушунса, ўшанда унинг таърифлашигина қолади-да, композиция ўз-ўзидан келиб чиқади».

Модельер-рассом ўз ишида унинг тасаввури ва фантазиясини озука бериб бойитадиган турли ижодий манбаларга мурожаат этади. Халкнинг

тарихий ўтмиши ва ҳозирги жамият ҳаёти, атроф-табиатнинг хилма-хиллиги, тарихий костюмлар ва халқ костюмларининг бойлиги, бадиий адабиёт, музика, кино, театр ва хоказолар ҳозирги замон рассоми ижодининг манбалари бўлиб хизмат қилади. Рассом ўйларини етиштиришга ва конкретлаштиришга ёрдам берадиган айрим мотивлардаи фойдаланиб, ана шу манбалардан ўз ғоялари ва образларини тўплаб боради.

Назорат саволлари:

1. Костюм бўлимларининг тўпламлари қандай фарқланади?
2. Композициянинг асосий тушунчаларига нималар киради?
3. Кийимнинг вазифалари нималардан иборат?
4. Кийимлар қай тарзда синфланади?
5. Композиция тушунчаси нимани англатади?

3-Маъруза (4 соат)

Мавзу: КОМПОЗИЦИЯ КАТЕГОРИЯЛАРИ.

Режа:

1. Костюм композицияси асослари ҳақида тушунча.
2. Тектоника. Материалнинг хусусиятлари ва тектоника. Буюмни ишлаб чиқариш технологияси ва тектоника.
3. Шакл ва тектоника. Гавда тузилиши ва тектоника. Буюмнинг нимага мўлжалланганлиги ва тектоника.
4. Костюм ҳажмий-фазовий шаклининг хусусиятлари. Шаклнинг геометрик кўриниши. Шаклнинг ҳажмдорлик даражаси.
5. Силуэт. Чизиқлар. Шаклнинг катта-кичиклиги. Шаклнинг вазни.

Адабиётлар: [1] 17-23 б. , [2] 50-61 б., [3] 59-65 б., [4]191-194 б.

Композиция назарияси кузатилаётган ҳодисалар орасидаги энг умумий ва энг муҳим алоқалар ва муносабатларни акс эттирувчи категорияларга

асосланган бўлади. Костюм композициясида тектоника билан ҳажмий-фазовий структура ана шундай категориялар ҳисобланади.

Т е к т о н и к л и к. Тектоника шаклдаги конструкция ва материал бажараётган ишининг кўзга кўриниб турадиган аксидир.

Тектоник шакл — бу саноат буюми шакли конструкциясининг ва тайёрланиш усулининг материал хусусиятларини бадиий тушуниб етиш, уларни кўрсатиб бериш нуктаи назаридан ифода топган иши. Материал ёки тайёрланиш усули тектоник шаклни топиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рассом материал хусусиятларини, унинг конструкциядаги ишини ва буюмнинг тайёрланиш технологияси хусусиятларини-буларнинг ҳаммасини умумий ғояга, яъни бадиий ва композицион мўлжалга бўйсундириб онгли равишда танлайди, топади, бўрттириб кўрсатади. Ҳар бир материалнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу хусусиятлар муайян шаклга асос қилиб олинади. Масалан, шифондан бўлақлар минимал миқдорда бўлган майин, пластик, енгил шакл ясалса, парчадан қаттиқ, «курук», геометрик шакл ясалади.

Материалдан буюмнинг қандай ишлаш нуктай назаридан фойдаланиш ҳар қандай буюмнинг чинакам тектониклигига эришишининг муҳим шартидир. Агар муайян материалнинг потенциал-конструктив имкониятларидан фойдаланилмаса ёки, бундан ҳам ёмони, уни гайритабиий тарзда ишлашга мажбур этилса (масалан, зич тўкилган, дагал газламадан драпировка қилинса ёки юмшоқ, пластик газламадан аниқ геометрик силуэт лойнхалаштирилса), унда тектоника бузилишидан қутилиб бўлмайди. Одамнинг ҳаракатлари натижасида чинакам зўр келишлар ҳисобга олинмаса, шакл конструкциясини ишлаётганда нотектониклик юзага келади (масалан, сийрак структурали майин газламалардан гавдага ёпишиб турадиган силуэтли кўйлақда ҳар хил бўртмалар ва майда бўлақлар кўп бўлганда).

Қачонки тектоника муайян бадиий яхлитликнинг узвий қисми бўлса, шундагина у аниқ-равшан ва ифодали бўлиб чиқади. Фан-техника революциясининг ютуқлари — янги материалларнинг пайдо бўлиши тектоникага катта таъсир кўрсатади.

Нима учун тектоника композициянинг асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Гап шундаки, конструкция ва шаклнинг конкрет материалда ифода топган ўзаро боғлиқлиги—бу энг муҳим жиҳат бўлиб, у бутун буюмнинг композициясини ва шу композиция устида олиб борилган ишни, яъни композицион приёмдан бошлаб ва шакл характери ҳамда унинг нюансларини топишга қадар композиция воситаларидан фойдаланишгача бўлган ишни белгилаб беради.

Костюм ҳ а ж м и й – ф а з о в и й шаклининг хусусиятлари. Ҳар бир буюм шаклига унинг ҳамма элементларининг бир-бири билан ва фазо билан ўзаро муайян таъсир этиши нуктаи назаридан қараш, яъни уни ҳажмий-фазовий структура, деб ҳисоблаш мумкин. Бу структура баъзан оддий ва ихчам, баъзан эса жуда мураккаб бўлади. Ҳажмий-фазовий структуранинг мураккаблик даражаси қандайлигидан қатъи назар ундаги барча


элементларнинг ўзаро алоқадорлик системаси тектоника билан бир қаторда чинакам уйғунликка эришишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Композициянинг иккита асосий категорияси ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Тектониканинг бузилиши (конструктив асос ишининг сохта акс этиши) саноат буюм ҳажмий-фазовий структураси элементларининг узвий алоқадорлигига албатта таъсир этади, шунингдек ҳажмий-фазовий ечимнинг принцип жиҳатидан нотўғри ҳал этилиши тектоник характердаги хатоликларга олиб келади.

Костюм яратаётганда унинг нимага мўлжалланганлигини ва қандай шароитда ишлатилишини билиш керак. Костюм қулай, ишбоп ва чиройли бўлиши керак. Шунинг учун костюмнинг шакли конструктив ҳал этилиши, материалларнинг танланиши, безаклари ва ранги унинг асосий вазифаларига, яъни эстетик ва амалий вазифаларига итоат этган бўлади.

Қисмларнинг муайян тартибда ташкил топганлиги, яъни структураси костюмни характерлаб беради. Структура деганда образли, функционал ва техник ечимга боғлиқ бўлгая геометрик шакл элементларининг муайян фазовий системасини тушуниш керак. Геометрик шакл (тўғри: тўртбурчак, трапеция, овал, уч-бурчак ва ҳоказо) костюм шакли структурасининг элементлари ҳисобланади.

Умуман- шакл ва унинг қисмларининг геометрик кўриниши, шаклнинг катта-кичиклиги ва унинг-массаси костюм шаклини характерлайди.



1-расм. Кийимдаги геометрик шакл турлари: а — чизик, характердаги;
б — текислик характердаги;
в — ҳажм характердаги.

Шаклнинг геометрик кўриниши шаклнинг учта фазовий координатларидаги ўлчам: микдорларининг нисбати билан, умуман шакл юзаси ва деталлари юзасининг характери билан белгиланади.

Кийим шаклини кўриб чиқаётганимиздаги дастлабки таассурот шаклнинг ҳажмдорлик даражасидан силует ва чизиқлардан келиб чиқади.


Ҳажмдорлик даражаси — бу учта фазовий координата бўйлаб шакл ўлчамларининг нисбатидир.

Шаклнинг ҳажмдорлик даражаси битта (вертикал бўйлаб) ўлчамли бўлса, чизиқли характерда (1-расм а); (икки бўй ва эн) ўлчамли бўлса, текислик характерда (1-расм, б); кийим шакли уч ўлчамли бўлса, ҳажми характерда (1-расм, в) бўлади. Буюмнинг ҳажмдорлик даражасини танлаш костюмнинг кўриниши ва нимага мўлжалланганлиги билан белгиланади. Чизиқли характердаги шакл башанг кийимлар учун тавсия этилса, текислик характердагиси ҳар қандай ишгамўлжалланган костюм учун ва ҳамма турдаги гавдалар учун, ҳажим характердагишакил эса асосан бўйчан, озғин гавдаларга мўлжалланган башанг кийим учун тавсия этилади.


Кийим шаклининг текисликка туширилган энг ифодали проекциясини костюмнинг силуети деб аталадиган бўлган. Одатда костюм шаклини асосан фронтал силуетлар ва камроқ пайитларда профиль силуетлар характерлайди. Силует маълум давир мобойнида модада юз берган характерли ўзгаришларини умумий таризда аниқлаш имконини беради. Силуетларни қуйидагича синфлаш мумкин: гавдага ёпишиб туриш даражасига биноан – ёпишиб турадиган (2-расм, а), сал ёпишиб турадиган (2-расм, б), бемалол турадиган (2-расм, в); бел чизиғининг ҳолатига биноан – бел чизиғи табиий жойда (3-расм, а), бел чизиғи юқорироқда кўтарилган (3-расм, б) ёки пастроқ тушган, бел чизиғи сезилмайдиган (3-расм, в); этак чизиғининг тиззага нисбатан ҳолатига биноан-кийим узунлиги тиззагача, «мини» - тиззадан юқори турадиган калта, «миди» болдирлар ярмигача тушадиган ўртача ва «макси»- тўпикқача тушадиган узун; бўкса, кўкрак чизиқларини сезилиш даражасига биноан (елкалари кўтарилган, елкалари кенгайтирилган).

Аниқроқ тасаввур этиш учун силуетни геометрик шакилларга (тўғри тўртбурчак, тропеция, овалга) нисбатан бериб қаралади, уни алоҳида предметларга: бўчкачага, урчуқа ва ҳоказо; ўсимликларга: Х – симон, А, Д, Т ва ҳоказоларга таққосланади.

Шаклнинг табиий чегараларини ташкил этувчи силует рамкадан иборат бўлиб, костюмнинг ечимлари шу рамка доирасида ҳал қилинади. Кийимнинг контурларини, кийим алоҳида қисмларининг ва деталларининг контурларини чизиқлар деб олса бўлади.



2-расм. Аёллар кўйлаги силуэтлари.



3-расм. Бел чизиғи ҳолатига биноан силуэтларни ажратиш.

Кийим композицияси тўғри, эгри ва синиқ чизиқлардан тузилади. Кийимда қуйидаги асосий чизиқ гуруҳлари бўлади:

- силуэт чизиклари – шаклнинг ташқи контурларини чегараловчи чизиклар;
- конструктив чизиклар – кийим шаклини ҳосил қилишдагина қатнашадиган чизиклар: елка чоклари, ён чоклар, виточкалар, энг ўтказиш чоклари ва ҳоказо;
- конструктив-декоратив чизиклар – ҳам шакл ҳосил қилувчи, ҳам декоратив вазифаларни бажарувчи чизиклар: бўртмалар, кокеткаларни улаш чоклари, қирқмалар, майда тахламалар, тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, бурмалар ва ҳоказо.
- декоратив чизиклар – декоратив вазифаларнигина бажарувчи чизиклар: қўйма бурмалар, икки томонлама қўйма бурмалар, тасмалар, тўолар, безак деталлар, фурнитура, кашталар, бантлар ва ҳоказо.

Ш а к л н и н г к а т т а – к и ч и к л и г и. Шаклнинг бу хусусиятига кийим шакли катта-кичиклиги биланодам гавдасининг нисбати тариқасида, шунингдек икки ёки уч шаклнинг уларни бир-бирига таққослаётгандаги нисбати тариқасида қаралади. Фақат кўриниши ўхшаш кийимларнигина ва уларнинг таркибий қисмларинигина катта-кичиклик жиҳатидан таққослаш мумкин.

Катта билан кичикни таққослаётганда шаклнинг катта-кичиклиги умуман ҳаёлдагина катталашиб ёки кичиклашиб кўринади.

Масса (вазн) – бу умуман кийим шаклини ёки ундаги алоҳида қисмларнинг кўринишидаги оғирлик миқдори. Шакл массасининг кўриб идрок этилишига қуйидагилар таъсир этади:

- шаклнинг катта-кичиклиги – каттароқ шаклнинг массаси каттароқ туюлади;
- ҳажмдорлик даражаси – ҳажм характеридаги шаклнинг массаси максимал, чизикли шаклнинг массаси эса минимал бўлиб кўринади;
- шаклнинг ўз чегараси доирасида конструктив, конструктив-декоратив ва декоративчизикларга қанчалик тўлганлик даражаси – кийим шакли чизикларга сийрак тўлган бўлса, массаси минимал, энг кўп тўлган бўлса, максимал бўлиб кўринади;
- материалнинг ранги, расми ва фактураси – фонини зич тўлдириб турган йирик расмли, одми ёки тўқ рангли материаллар ва фактураси ялтироқ материаллар массаси максимал, фонини сийрак тўлдириб турган майда расмли, очик рангли, оқиш материаллар ва фактураси сийрак материаллар массаси минимал бўлиб кўринади.

Кийимларни лойиҳалаётганда унинг массасини ёшга, мавсумга ва нимага мўлжалланганига боғлаб ҳисобга олиш керак. Масалан, ясли ёшидаги ва мактабгача болалар кийимининг массаси энгил бўлиши керак, шунинг учун уларни ҳамма вақт очик, майин рангли, майда сийрак расмли

материаллардан тикилади; киши кийим кўринишидан енгил бўлиши керак; чунки унинг табиий вазни оғир бўлади, шунинг учун улар ҳурпайган фактурали материаллардан тикилади; мактаб битирувчиларининг тантана маросимидаги кўйлакларини оқ, пушти, хаворанг ва бошқа рангдор гулли материаллардан тикилади, чунки бунда ёшликка ҳаёлчанлик хос бўлгани учун шўхчанлик, қушдек енгиллик парвоз ҳисси сезилиб туриши керак.

Назорат саволлари:

1. Тектоника тушунчаси нимани англатади?
2. Шакл тектоникасига нима таъсир этади?
3. Нотектониклик пайдо бўлишига нима сабаб бўлади?
4. Шакл таркиби ва унинг элементлари қандай?
5. Қандай хусусиятлар шаклни тавсифлайди?
6. Шаклнинг ҳажмдорлик даражаси, катта-кичиклиги, вазни нималарга боғлиқ?
7. Силуэтни нима ифодалайди?
8. Чизиқлар буюм ўақлида қандай фуенкцияни бажаради?

4-Маъруза (4 соат)

Мавзу: КОМПОЗИЦИЯНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

1. Композициянинг хусусиятлари.
2. Композицион хусусиятларнинг қонуниятлари.
3. Симметрия ва асимметрия.
4. Статиклик ва динамиклик.

Адабиётлар: [1]25-30 б., [2]86-92 б., [3] 96-105, 114-119 б.

1. Композициянинг хусусиятлари.

Костюм композициясининг уйғун бир бутунлик сифатида шаклнинг яхлитлиги, симметрик ва ассиметрик, статиклик ва динамиклик каби бир қатор хусусиятлари бор.

Ш а к л н и н г я х л и т л и г и. Шаклнинг яхлитлиги конструктив ечим билан унинг композицион мужассамлиги ўртасидаги алоқа мантиқини ва уйғунлигини акс эттирган бўлади.

Ҳар қандай композицияни асосий элементлар билан аҳамияти камроқ ва иккинчи даражалироқ элементларининг бир-бирига бўйсунганлигига асосланган муайян система деб қаралса бўлади. Бунда асосий ва бўйсунган қисмлар бир бутунлик ташкил этиб, ўзаро бир-бирини кучайтиради.

Композицион тузилган шаклда, шу жумладан костюмда ҳам албатта асосий қисм ёки к о м п о з и ц и о н м а р к а з мавжуд бўлиб, бошқа қисмлар унга бўсундирилиши керак. Асосий қисми яхлит композицияда ҳукмрон бўлиб туради.

Композицион марказ гавданинг исталган қисмида бўлиши мумкин. Масалан, у юзга яқин жойда, белда, кўкракда, бўксада, оёқ яқинида, олдинда ёки орқада ва ҳаказо ерда бўлади. Костюмнинг исталган қисми – масалан, бош кийим, уст кийим, оёқ кийим, сумка, бирон безак ва ҳаказо композицион марказ бўлиши мумкин. Уст кийимнинг исталган қисми ҳам – кўкрак қисми, юбка, енглар, ёқа ва бошқалар – композицион марказ бўлиши мумкин.

Асосий қисмининг костюмда қандай жойлаштириш жинс – ёш аломатларига (ката ёшлилар уни юз яқинида жойлаштиришади, ясли ёшидаги болалар учун эса юз атрофида ёки оёқ яқинида бўлади), гавда тузилиши турига (тўла кишилар учун асосий қисмни белда, бўксада бўлиши тавсия этилади) ва кийимнинг нимага мўлжалланганига боғлиқ.

2. Шакл элементларининг ўзаро тенгсизликни белгилайдиган композицион марказнинг бошқа қисмлардан устунлигини таъкидлаб берадиган хусусиятларнинг қонуниятлари асосида позицион марказни бўрттириб кўрсатишга эришилади. Қуйида шу қонуниятларни кўриб чиқамиз.

Миқдор қонуни. Бир турли безакнинг ката-кичиклиги, ҳажми массаси ёки миқдори каттароқ бўлган бошқа қисмларидан устунроқ келиб туради.

Марказда бўлиш қонуни. Бўрттириб кўрсатиладиган қисмнинг нисбати марказий жойда бўлиши бошқа ҳамма жиҳатлари тенг бўлган ҳолда шу қисмни асосий композицион марказ қилиб кўрсатади.

Сифат қонуни. Хусусияти ёки бир гуруҳ хусусиятлари жиҳатидан кўпроқ бўлган қисм устун бўлиб туради. Расмий характерда бўлган ҳар қандай турли безакларнинг ҳар хил активлигидан ва сифатидан фойдаланиш асосий қисмни бир бутундан ажратиб кўрсатиш приёмларидан бири бўлади.

Маъно омили қонуни. Бир бутуннинг маъноси бор безакли қисми (эмблема, гуллар ва бошқалар) расмий характергадаги безакли қисмлардан устун туради.

3. **Симметрия ва асимметрия.** Симметрия – композициянинг энг ёрқин ва кўзга ташланиб турадиган хусусиятларидан бири «Симметрия... унинг ёрдамида инсон бир неча асрлардан бери тартибга, гўзалликка ва камолотга етишмоқчи ва буни чратмоқчи бўлиб келган ғоядир» (Г.Вейль. Симметрия. М., Наука, 1968, 37-бет). Демак, симметрия оддий бир такрорланиш эмас, балки ўзига ҳос гўзаллик нормаси экан.

Кийим композициясида симметрия масалалари муҳим роль ўйнайди. Бу икки жиҳатда: материалдаги рам композициясида ва костюмнинг ўзига шакллантиришда ўз аксини топади. Костюмларда кийимнинг алоҳида қисмлари, унинг деталлари, ранги, беаги, фурнитураси ва шу кабиларни симметрик жойлаштирилиши мумкин.

Табиатда абсолют (мутлақ) симметрия бўлмайди. Костюмда ҳам кўпинча симметриядан четга чиқишлар бўлиб, бу унинг нимага мўлжалланганига, ишлатилиш шароитининг характериға, ишлаб чиқаришдаги технологик шароитға, бадий образлилиқ вазифаларига боғлиқ бўлади.

Асимметриянинг композиция ҳам симметрик композиция сингари функционал вазифани ҳал этишнинг объектив натижаси бўлади. Лекин асимметрик шакл устида ишлаш мураккаброқ-у композицион мувозанатни нозик ҳис этишни, бадий бутунлиқни таъминлаш даржасида тараққий топган интуицияни талаб қилади.

Асимметриянинг кундалиқ костюм композициясида ёрқин кўзга ташланадиган эмаслиги ундан шакл хусусиятларининг озгина қисмида фойдаланишни билдиради. Амалда бундай композициялар симметрия ичида асимметрияни кўрсатиш мақсадида ҳал этилади. Башанг кийимдаги ёрқин ифода этилган асимметрия кийимни одатдагидан бошқача, ёрқин кўринишли, динамик қилиб туради.

5. **Статиклик ва динамиклик.** Композициянинг ифодалилиги, унинг тушунишға қулайлиги шаклнинг бўйсунган қисмларидан бош композицион марказ томон ҳаракатда бўлиб кўриниши – д и н а м и к а с и қай даражада ҳосил қилинганлигига боғлиқ. Ниманики бўрттирилаётганлиги аниқ бўлиши учун, ҳаракатни костюмнинг қайси қисмига қаралса ҳам, динамика рассомнингбўрттириб қўйган қисмини кўрсатадиган бўлиши керак.

Ст а т и к л и к – шакл турғунлигининг, тинчлик ҳолатининг бўрттириб ифода этилганидир. Шаклнинг статиклиги ўлчамлар тенглигини ёки ўлчамлар нюансини характерлайди. Ўлчамлардаги контрастлик қайси қисмида кўп бўлса, ўша томонға йўналган динамика ҳосил қилади.

Шаклнинг динамикаси ҳам шаклни қисмларға контраст бўлаклашда пайдо бўлади. Бундай ҳолда каттароқ қисмдан кичикроқ қисм томонға ҳаракат пайдо бўлади.

Шакл ичидаги чизиқлар йўналишининг характери қандайлигига қараб шаклнинг турлича йўналганлиги ҳосил бўлади, унинг динамиклиги кучаяди.

Бир тусли, лекин тўқлиги ҳар хил бўлган иккита ахроматик ранглар бирға қўшилганда, ҳаракатда бўлиб кўриниш юзаға келади. Актив ранглар ўзи томонға ҳаракат ҳосил қилади.

Кийимларни моделлаштиришда тузилмалар динамикасидан кенг фойдаланилади. Гавдани кўриб идрок этиш костюмдаги динамикаға қандай таъсир этилганлигига боғлиқ: агар ҳаракат юқориға томон йўналган бўлса, гавда дарозроқдай, пастға томон йўналган бўлса, калтароқдай кўринади.

Назорат саволлари:

1. Костюмда композицион марказнинг роли.
2. Одам қоматининг ташқи кўринишида композицион марказнинг ўрни.
3. Миқдор қонунининг маъноси.
4. Сифат қонунининг маъноси.
5. Марказда жойлашганлик қонунининг маъноси.
6. Маъно омили қонунининг маъноси.
7. Костюм динамикаси нималарда намоён бўлади?
8. Динамиканинг қоматнинг ташқи кўринишида роли қандай?
9. Статик шакл нимани ифодалайди?
10. Актив динамик композициялар қандай мақсадда қўлланилади?

5- Маъруза (4-соат)

Мавзу: **КОМПОЗИЦИЯ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Режа:

1. Костюмда пропорция ва нисбатлар.
2. Оддий ва иррационал нисбатлар.
3. «Олтин кесим» пропорцияси.
4. Масштаблик.
5. Контраст, нюанс ва ўхшашликлар.
6. Костюм композициясида ритм тушунчаси.
7. Костюмда метрик ва ритмик тартиблар. Аритмия.
8. Ритмик тузилишда элементлар ва йўналишлар.

Адабиётлар: [1], 30-40 б, [2], 74-78 б, 93-98 б, [3], 86-95б, [4], 200-209 б.

1. Костюмдаги пропорциялар ва нисбатлар. Композиция воситалари орасида пропорцияларни, ўлчам нисбатларини биринчи ўринга қўйиш керак, бутун композицияни қуришнинг асоси мана шу. Кийим деталлари ўзича қанчалик яхши бўлмасин, лекин бутун ҳажмий-фазовий структурани аниқ пропорционал система бирлаштириб турмаса, шаклнинг бир бутун бўлиб чиқиши қийин.

Кийим шакли монументал бўлмайди ва одатда, уни ташкил этувчи бутун бир қатор қисмлардан иборат бўлади. Шаклнинг бўлақлардан иборатлиги одам гавдаси тузилишининг мураккаблигидан, унинг қад-қоматидан неча ёшдалигидан; материалнинг характеридан ва кийимни тикиш технологиясидан; моданинг нимага мўлжалланганлиги ва йўналиши қандайлигидан келиб чиқади.

Пропорциялар - бу кийим алоҳида қисмлардаги мос ўлчамларнинг бири-бирига ҳамда одам гавдасидаги мос ўлчамларга бўлган нисбатидир.

2. Костюм композициясида икки хил асосий нисбат бўлиб, уларни оддий нисбатлар ва ирриционал нисбат деб аталади.

Оддий нисбатлар-бу бутун сонлар нисбати. 1 дан 8 гача бўлган сонлар оддий нисбатларнинг чегараси ҳисобланади. Уларни амалда инсон идрок этадиган миқдорлар мослигини аниқ идрок этиш чегараси дейиш мумкин. Костюм устидаги тадқиқотлар кўрсатишича, $7/8$, $3/4$, $1/3$, $2/3$ нисбатлари энг кўп учраб турар экан (1-расм).

Ирриционал нисбатлар - бу кўпинча геометрик тузилма ёрдамида олинadиган каср сонлар нисбати. Қуйидагилар ирриционал нисбатларнинг пропорционалликка мисол бўла олади:

квадрат томонининг унинг диагонаliga нисбати (1.21-расм, а),

$$a:b=1:\sqrt{2}=1:1,42$$


тенг томонли учбурчак асоси ярмининг шу учбурчак баландлигига нисбати (2-расм, б).

$$a:b=1:\sqrt{3}=1:1,74;$$

«олтин кесим» деб аталadиган геометрик пропорция

$$a:b=b:(a \div b)$$

$$a:b-1:\sqrt{2}-1:1,42;$$



120-расм. Кийим қисмларининг оддий нисбатлари.

1-расм. Кийим қисмларининг оддий нисбатлари.

3. «Олтин кесим» пропорциялари иррационал сонларни ишлатиш кулайроқ бўлиши учун соялар қатори тарзида ифода этиладиган математик қатори қилиши мумки. Бу қатордаги рақамлар ўзидан олдинги иккита сон йиғиндиси тарзида ҳосил бўлади (1, 2, 3, 5, 8, 13, 21, 34, 55 ва ҳоказо), ҳар қайси жуфтдаги сонлар нисбати ($3/5$, $5/8$, $8/13$, $13/21$ ва бошқалар) эса «олтин кесим» нисбатига яқин.

AB кесмасининг «олтин» кесим»ини геометрик яшаш кўйидагича бўлади: *B* нуктасидан **AB** га перпендикуляр чизилади, унда **BE**= $1/2$ **AB** кесмаси белгиланади. *A* билан *E* нукталари бирлаштирилади, **ED**=**BE** кесмаси, ниҳоят, **AC**-**AD** белгиланади (3-расм, в)

$$AB:AC=AC:BC$$

Костюмда шаклнинг ҳамма хусусият жиҳатларини пропорциялаб олинади, яъни деталларнинг ўлчамлари пропорциясигина эмас, балки ифодали фактура сатҳининг, гул, декоратив элементлар, шакл алоҳида қисмлари сатҳининг пропорциялари ҳам топиб олинади.

Қандай пропорционал нисбатларни танлаш кийимга қўйиладиган функционал талабларга боғлиқ. Шунинг учун ҳамма ҳолларда бир хилда яхши бўлаверадиган қандайдир пропорция бўлиши мумкин эмас. Прояорция танлаш киши гавдасининг хусусиятларига ҳам - унинг бўйи, тўлалиги, қомат расолиги қандайлигига ва, албатта, ёшига ҳам боғлиқ.

Масштаб ва масштабилик. Кийимда пропорция гармониянинг яна бир муҳим воситаси-масштабилик билан ажралмасликда бўлади.

4. М а с ш т а б л и л и к - шаклнинг ва ундаги элементларнинг одамга нисбатан, теваарак атроф фазога ва бошқа шаклларга нисбатан мослигида.

«Инсон-ҳамма нарсаларнинг меъёри» - бу сўзлар қадимги Юнонистоннинг Дельфа шаҳридаги ибодатхона мармар деворига ўйиб ёзилган. Бу сўзлар предметлар оламининг инсон ўзи учун нимаики яратган бўлса, ҳаммасининг моҳиятини аниқ ифода этади.

Кийимнинг масштабилиги унинг абсолют катта-кичиклигига эмас, балки унинг одамга мослигига қараб белгиланади. Костюм ва уни ташкил этган ҳамма элементлар (уст кийим, оёқ кийим, бош кийим ва бошқалар) одамнинг ўлчамларига – унинг бўйига, гавда тузилишига ҳамма вақт бирон нисбатда, яъни мос бўлади. Костюмнинг масштабилиги унинг нимага мулжалланганига, мавсумига, одам қандай атроф-муҳитда бўлишига боғлиқ.

Масштабиликнинг идрок этилиши билан шакл бўлаклари ўртасида боғлиқлик бор. Шакл бўлаклари қанча йирик бўлса, шунча катта масштаби бўлади. Бўлинмаган шакл бўлинган шаклдан кўра йирикроқ кўринади, горизонтал бўлинган шакл вертикалига бўлинган шаклга қараганда йирик туюлади (4- расм).

Костюм ва ундаги қисмларнинг масштабилиги материаларнинг хусусиятларини қандай тушунишга, кийим конструкцияси ва уни қандай тикилишига боғлиқ.


Предметларнинг реал катталиги ёки масштабилиги ҳақида тушунча уларни бир-бирига чоғиштириш процессида ҳам, одам ўлчамларига таққослаш процессида ҳам юзага келади. Масштабиликка эришиш пропорциялаш билан боғлиқ бўлади. Пропорцияларни ўзгартириш йўли билан гавдани катталаштириб ёки кичиклаштириб кўрсатиб, гавдага чинакам ёки сунъий масштаб бериш мумкин.

5. К о н т р а с т, н ю а н с, ў х ш а ш л и к. Шакл элементлари ўхшашлик принципига контрастлик принципига биноан бирлашган бўлиши, яъни ҳамма исмлар такрорланишга асосланган ёки шакл, ранг, ҳажмлилиқ даражаси, фактурадаги чизиқлар жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши кўйилган бўлиши мумкин.


Контраст композициядаги турли йўналишларнинг кураши, бир-бирига қарама-қаршилиги бўлиб, бу рассомларнинг ҳамма вақт энг кенг фойдаланиб келган воситаларидан бири бўлиб келган. Костюм тарихида контрастлик темаси асар характери, давр услуби, автор индивидуаллиги қандайлигига қараб энг хилма-хил ифода топиб асрлар давомида ўзгариб келган (5- расм, а).

Контрастга асосланиб тузилган композициянинг моҳияти унинг кўриниш таъсири активлигида. Ньюанс нисбатларидан контраст нисбатларнинг фарқи шундаки, булар дарҳол кўзга ташлана қолади. Зерикарли геометрик шаклнинг ифодалилигини ундаги ички чизиқларнинг, рангнинг, фактуранинг бир-бирига таъсири контрастлигидан фойдаланиб оширса бўлади. Лекин контрастнинг шаклдаги роли хилма-хил: баъзи ҳолларда у шаклнинг конструктив асосига боғлиқ бўлса, бошқа бир ҳолларда шакл структурасини тузиш воситаларига боғлиқ бўлади.

Шуниси ғалатики, контрастнинг кучлилиги унинг заиф томони бўлиб чиқади. Идрок этишга актив таъсир ўтказувчи восита бўлатуриб, унда салбий томонлар ҳам бор: у кишини тез чарчатади, тез-тез ишлатаверилган нарса тез жонга тегади. Ҳар қандай кучли таъсир этувчи восита эҳтиёт бўлишни талаб этади - бундай воситанинг ҳаддан ортиқлиги ҳар қандай таассуротни бузиб юборади. Контраст мана шундай. Композицияда ундад фойдаланганда муайян даражадан ошмаслик, контраст меъёрини сақлаш керак. Контраст спорт кийимда (ранглар контрасти), башанг кийим билан томоша кийимда ишлатилгани маъқул.



3-расм. Кийим қисмларининг иррационал нисбатлари.



4-расм. Кийимдаги масштабилик.

Ўхшашлик принципи - бу асос қилиб олинган элементнинг костюм композициясида тараққий топиб, турли вариантларда ривожлана бориши. Кўп ҳолларда костюмда битта шакл ҳукмронлик қилиб, бошқа асосий қисмларнинг ҳаммаси унга бўйсунган бўлади-ю, лекин костюм кўпқаватли, мураккаблашган структурадек таассурот қолдиради (5-расм, б).

Контраст билан ўхшашлик кийимнинг асосий структурасини белгилаб беради, лекин айни вақтда майинроқ «кўркемлик самараси» берадиган кўшимча бўлиши заруратини туғдиради; композициядаги контраст нозик аккомпанемент, жўрлик қиладиган нюанслар бўлиши заруратини келтириб чиқаради - бусиз композиция одатда дағал, примитив бўлиб қолади. Шакл элементларини нюансли ишлаш, аниқ-равшан ҳал этилган шаклда озроққина декор (безак) бўлиши композиция ғоясини фақат таъкидлаб беради, уни ифодалироқ ва образлироқ даражага кўтаради.

Нюанслар композиция воситаси тарикасида пропорцияларда, маромда, гул ва тус нисбатларида, декорда, пластинкада, лекало қўйиб чизиладиган мураккаб эгри чизиклар ёрдамида шакллар тузилади ва хоказоларда кўринади (5-расм, в).

Пропорция нюанслари, контрастдагининг аксича, дархол тушуниб етилмайдиган, осойишта, ўзига хос шакл асосини ҳосил қилади.


Пластик нюанслар аввало шакл ҳарактерида кўзга кўриниб, унга санъатга хос, алоҳида илиқлик беради.

Нюанс — энг нозик восита. Сал-пал дегани қаерда бошланса, санъат ўша ерда бошланади,— деганида буюк К. Брюлов санъатнинг энг характерли хусусиятини айтган бўлса ажаб эмас.

Костюм композициясини нюансли ҳал этилиши ҳамма ёшдагиларга, амма тур қоматлиларга ва ҳар қандай ишга мулжалланганда ҳам тўғри келаверади.



5-расм, а. Кийимда шакллар ва чизиқлар контрасти.



5-расм, в. Кийимда шакл ва чизиқлар нюанси.

6. Костюм тузилишидаги метрик ва ритмик қонуниятлар.

Ритм тушунчаси умумий кўринишда бу шакл элементларининг навбатма-навбат қонуний алмашлуниб туриши.

Костюм композициясидаги ритм костюмни ташкил этган шаклнинг ҳамма қисмларини бир-бирига боғлович воситалардан бири ҳисобланади. Ритм ҳосил қиладиган боғланиш кучи анчагина бўлиб, у костюмнинг ҳамма қисмларида таъсир этиб туради. Ритм ҳар қандай асарга мусикийлик бахш этади, уни ҳаракатга солади. Ритм сабабли бош композицион ғоянинг жарангдорлиги ортади, муайян тартиб ва равлонлик киритилади. Шакл элементларининг ва улар ўртасидаги интервалнинг такрорийлиги ритмнинг ҳарактерли аломати ҳисобланади. Акцентли (эътибор тортадиган) элементлар актив элементлари дейилади, акцентсизлари эса п а с с и в элементлар деб юритилади. Актив элементлар ўртасидаги оралиқ (интервал) д и н а м и к о д и м деб аталади. Элементлари ҳаракатининг орта бориш тезлиги с у р ь а т дейилади.



6-расм. Кийим композициясида метрик тартиблар (а-тенг элементларнинг тенг интервалларда такрорлашини, б-тенг элементларнинг интервалсиз такрорлашини, в-тенг элементларнинг радиал йўналишида такрорлашини).

7. Оддий метрик қатор, яъни бир хил шакланинг тенг интервалларда такрорланиши композиция тузилишига асос қилиб олинадиган энг оддий қонуният ҳисобланади.

Метрик такрорланишларга қуйидаги сингари ҳар хил бўлиши мумкин: тенг шаклларнинг тенг интервалларда такрорланиши (6-расм, а);

тенг шаклларининг ҳар қайси шакл тугаган жойдан бошлаб (интервалсиз) такрорланиши;

шакл элементларини радиал жойлаштирилиши.

Икки ёки ундан ортиқ оддий метрик қаторларнинг бирга қўшилганидан иборат қатор мураккаб метрик қатор деб аталади.

Бироқ метрик қаторни хаддан ташқари кўп ишлатиб бўлмаслигини ёдда тутиш керак, чунки бир турли элементларнинг тез-тез такрорланиши зерикарли бир хилликка олиб келади.

Шаклларнинг ва улар ўртасидаги интервалларнинг бирин – кетин қонуний ўзгара бориши (катталаш ёки кичрая бориши) шакллар жойланишининг ритмик тартиби дейилади.



7-расм. Кийим композициясида ритмик тартиблар (а-тенг элементларнинг интервал ўзгариб алмашилиши, б-ўзгара борувчи элементлар тенг интервалларда алмашилиши, в-элементларнинг ва улар орасидаги интервалларнинг алмашилиши, г-элементларнинг радиал йўналишида алмашилиши).

Ритмик қатор арифметик прогрессия ёки геометрик прогрессия қонуниятларига асосланиб тузилганда қатордаги қўшни элементлар ёки интерваллар миқдори ўртасида ўзгармас фарқ бўлишига, геометрик прогрессияга асосланиб тузилганда эса ўзгармас нисбат бўлишига риоя қилинади.

Ритмик тартиблар қуйидаги схемаларда бўлиши мумкин:

тенг элементлар такрорланиб туради-ю, улар ўртасидаги интерваллар ўзгара боради;


шакл элементлари катталаша ёки кичрая боради-ю, интервал ўзгармайди;

шакл элементлари ҳам, улар ўртасида интерваллар ҳам катталаша ёки кичрая боради;

шакл элементлари радиал йўналишда катталаша ёки кичрая боради.

Ритм камая борадиган ёки орта борадиган бўлади. Бундаги суръат секин, ўртача, тез бўлиши мумкин. Бу костюмда динамика ҳосил қилади.

Одам гавдасининг симметрия ўқиға нисбатан ечимларини турли хил қилишдан фойдаланиб, шакл элементларининг ритмик тузилишига эришса бўлади.



1.26-расм. Гавданинг симметрия ўқиға нисбатан деталларнинг симметрик жойлашиши.

1.27-расм. Метроритмик тартиблар.

Костюм композициясида ритмик тузилишнинг биргина туридан фойдаланиш камдан-кам учрайди. Шакл элементларининг метроритмик (мураккаб ритм) бўлиб бирга қўшилганини кўпроқ кўриш мумкин.

8. Шаклнинг ҳамма элементлари – ҳажм, чизиқлар, фактура, деталлар, безак ва ҳоказолар ритмик тузилиши мумкин.

Костюм элементларининг бирлашиш схемасига биноан ритмик тузилиш вертикал, горизантал, диаганал, спираль, нурсимон, радиал, бир томонли, қарама-қарши ва аралаш йўналишли бўлади.

Элементларнинг ривожлана боришида ўз қонуният борлиги композицияни ритмик ҳал қилишнинг характерли хусусиятидир. Бу қонуниятнинг бузилиши, яъни аритмия композиция яхлит идрок этилишига путур етказди.

Назорат саволлари:

1. Шаклнинг қайси элементларини симметрик ёки асимметрик жойлаштириш мумкин?
2. Классик симметрия нимада ифодаланади?
3. Афин симметрия нима орқали ифодаланади?
4. Ўхшашлик симметрия нима орқали ифодаланади?
5. Эгри чизиқли симметрия нима орқали ифодаланади?
6. Композицион мувозанатнинг костюмдаги роли.

7. Асимметрик композицияларда композицион мувозанат қандай яратилади?
8. Композицияда ритмнинг ўрни.
9. Ритмик элементларни қандай йўналишларда жойлаштириш мумкин?
10. Метрик қонуниятларнинг қандай турлари мавжуд?
11. Ритмик қонуниятларнинг қандай турлари мавжуд?
12. Костюмда аритмиянинг пайдо бўлишига нима сабаб бўлади?
13. Шаклнинг қайси элементларини контраст, нюанс ва ўхшаш нисбатларда қўллаш мумкин?
14. Композицияда оддий нисбатларнинг ўрни.
15. Иррационал нисбатларни тузиш қонуниятлари.
16. Костюмда масштабlilik тушунчаси.

6-Маъруза (2 соат).

Мавзу: КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИДА РАНГНИНГ РОЛИ.

Режа:

1. Ранг хусусиятлари ва бирикмалари.
2. Хроматик ва ахроматик ранглар.
3. Ранглар доираси.
4. Хроматик рангларнинг уйғун бирикмалари.
5. Рангларнинг барабар контрастлиги ҳодисалари.
6. Сунъий ёруғлик таъсирида рангнинг идрок этишнинг ўзгариши.

Адабиётлар: [1], 40-44 б, [2], 64-65 б, 80-86 б, [3], 106-114 б, [4], 211-222 б.

1. Ранг хусусиятлари ва бирикмалари. Предметнинг энг муҳим инфор­мацион сифатларидан бири ранг ҳисобланади. Амалий санъат предметларида рангнинг вазифаси турлича. Булар психологик, жисмоний, эстетик вазифалардир.

Ранг ҳаёт мамот сим­воли қувонч ва ҳафалик ифодаси бўлиб келган: у илиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва намлик, енгиллик ва вазминлик, ҳиссини

бериши мумкин; бизнинг хис туйғуларимизда ҳам ранг таъсири бор: ”қора кун”, ”оқ кўнгил”, “ёркин ниятлар”, “қора ният”, “оқ йўл” – буларнинг ҳаммаси рангнинг психологик вазифасини билдиради.

Турли тарихий давирларда рангга ранг символикасига муносабат турлича бўлган, масалан, кўчманчилар ёркин тўқ рангларни маъкул кўрган бўлса, ўтроқ халқлар очроқ мураккаб рангларни ёқтирган. Ранг маълум ижтимоий табақаланишни ифода этган. Масалан қадимий Римда қирмизи тоға плашч кийишга императоргина ҳақли эди. Диний мансублик қайси рангда кийинишни белгилаб берарди. Масалан инглиз пуританлари қора кийинсалар, католиклар аксинча олачиפור костюм киярдилар.

Урушлар эпидемия очарчилик одми кийимлар тарқалишига сабаб бўлса, улардан кейин ёркин рангли кийиниш анъана тусига кирар эди. Ранг ҳамма вақтларда жинс-ёш фарқини билдирадиган восита бўлган. Болалар кийими нозикроқ тусли бўлади, ўсмирлар контраст рангларни маъқулроқ кўради, катта ёшлиларга чуқурроқ ранг туслари ёқади. Аёлларнинг кийими эркаклар кийимидан ёркинроқ ва кўп ранглироқ бўлади.

2. Табиатдаги ҳамма ранглар хроматик (спектр ранглари билан қирмизи) ва ахроматик (оқ, қора, кулранг) рангларга бўлинади.

Хроматик рангларнинг хусусиятлари қуйидагилардир:

- ранг туси – рангнинг шартли белгиси (қизил, кўк, тўқ сарик, ҳаво ранг ва ҳоказо) рангнинг номи шартли ёки биронта предмет, ўсимлик номига яқинлаштириб айтилади (лимон ранг, апельсин ранг, ўрик ранг ва ҳоказо);
- ранг тўқлиги – ранг кучининг ва хроматик рангга ахроматик ранг аралашган билан характерланадиган ранг туси қанчалик софлигининг кўрсаткичи;
- оқишлик-хроматик рангнинг оқ рангга яқинлик даражаси;

Ахроматик рангларда фақат оқишлик хусусиятигина бўлади. Спектрдаги ранглар энг соф, энг тўқ ранглар бўлади. Оқ аралаш рангларни (пушти, ҳаво ранг, баргикарам) пастель (майин) ранглар дейилади. Кулранг қўшилса, тўқлиги кам бўлган одми ранглар чиқади.

3. Агар спектр ранглариға қирмизи ранг қўшиб, уларни доира бўйлаб жойлаштирилса, ранглар доираси ҳосил бўлади. Сарик, кўк, қизил ва яшил ранглар шу доирадаги асосий ранглар ҳисобланади, чунки уларда ранглар доирасидаги ўзларига қўшни ранглар туси ҳам, аралашмаси ҳам бўлмайди. Доирадаги қолган ранглар оралиқ ранглар ҳисобланиб, улар бир-бириға қўшни асосий рангларни аралаштиришдан келиб чиқади.

Диаметрларнинг қарама-қарши учларидаги ранглар қўшимча ранглар дейилади. Оптик аралаштириш натижасида улар оқ ранг ҳосил қилади. Бу рангларда бир-бирини тўқроқ ва кучайтириб кўрсатиш қобиляти бор. Масалан, яшил ранг қизил ранг ёнида яшилроқ, қизил ранг эса қизилроқ кўринади.

Рангларнинг гавдани ўзгартириб кўрсатиш хусусияти ҳам бор. Гавдани илиқ (сарғиш қизил ва сарғиш яшил) ранглар яқинлаштириб ва катталаштириб кўрсатади. Совуқ (кўкиш қизил ва кўкиш яшил) ранглар

узоқлаштириб ва кичрайтириб кўрсатади. Қора ранг гавдани максимал узоқлаштириб ва кичрайтириб, оқ эса максимал яқинлиштириб ва катталаштириб кўрсатади.

4. Костюм композициясини яратишда ранглар монандлиги (гармонияси) катта аҳамиятга эга. Кийимда кўпинча монохром (яккарангли) бирга қўшилишлар учрайди – бу ранг туси жиҳатдан бир хил, лекин оқишлиги ҳар хил рангларнинг бирга қўшилиб келиши.

Хроматик рангларнинг икки рангли монандлиги қуйидаги принципларда юзага келади:

- ўхшаш ранглар – бир хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг бир чорагидаги рангларнинг бирга қўшилгани;
- контраст ранглар – ҳар хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг қарама-қарши турган чоракларидаги рангларнинг (сарғиш қизил билан кўкиш яшилнинг ва кўкиш қизил билан сарғиш яшилнинг) бирига қўшилгани;
- ўхшаш контраст ранглар – битта муштарак асосий ранг ва ранглар доирасининг ёнма-ён чоракларидаги контраст асосий ранглари бор ранглар, сарғиш қизил билан кўкиш қизил, кўкиш қизил билан кўкиш яшиллар, кўкиш яшил билан сарғиш яшиллар ва сарғиш яшил билан сарғиш қизиллар) бирга қўшилгани;
- кўп рангли монандлик учбурчак ва тўғрибурчак принципида тузилади.

Ахроматик рангларнинг икки рангли бирга қўшилганидаги монандлик контрастлик ва нюанс принципида, уч рангли бирга қўшилганликдаги монандлик эса миқдор ва сифат жиҳатидан ўзаро турли нисбатлар асосида тузилади. Масалан, кўплаб оқиш ранглар билан оқишлиги унга яқин ўртача ва кам даража одми рангдан.

Хроматик ва ахроматик рангларнинг бирга қўшилгани кийим композициясида жуда ифодали бўлиб чиқади. Оқ ранг соф хроматик ранг тусининг кучи ва жарангдорлиги юзага келади-да, байрамона манзаралилик ҳисси туғилади; оқ ранг билан майин ранглар (оқ-ҳаво ранг, оқ баргикарам ва бошқалар)узвий ва осонгина қўшилиб, софлик ва башанглик ҳиссини юзага кетиради.

Қора билан соф хроматик ранг бирга қўшилиб,кўзга ташланиб турадиган ва кескин кўринадиган ранглар ҳосил қилади.Қора ранг тусининг ёрвинлигини ва софлигини бир қадар камайтириш хусусиятига эга.

Оралик ранглар ҳам худди шу қонуниятга бўйсунди. Монандлик умуман бирлишадиган рангларнинг миқдорида ҳам, сифатида ҳам боғлиқ.

5. Ранглар композициясини ишлаб чиқаётганда рангларнинг баравар контрастлиги ҳодисасини – рангнинг унга тегиб турган ва уни ўраб турган рангларга боғлиқ ўзгариб кўринишини ҳисобга олиш керак. Бунда хроматик контраст ва оқишлилик контрасти бўлади. Масалан, сариқ лимон қизил дастурхонда тўқ сариқ тусга киради, сариқ дастурхон устида эса очроқ сариқ бўлиб кўринади. Атрофдаги ранглар таъсирида ранг оқшилилигининг

ўзгариши оқишлилик контрасти дейилади. Масалан лимон одми дастурхонда очроқ, оқ дастурхонда эса тўқроқ рангли кўринади.

Тегишиб турган ранглар билан ўзаро таъсири йўқ ранглар нейтрал ранглар дейилади. Кулранг.кўкимтир кулранг. яшилроқ кулранг ва бошқа ранглар ана шу рангларга киради. Баравар контрастлик ҳодисасини ҳисобга олиш бет, кўз, соч рангига мослаб кийим рангини танлашда жуда муҳим. Номакбул ранг контрасти бўлиб қолса, бет билан кийим орасига нейтрал рангли ёқа, безак газлама, шарф, рўмол ва бошқа кўринишдаги нейтрал рангли йўл қўйиш керак.

7. Ранг идрок этиш сунъий ёритиш, материалларнинг фактураси ва зичлиги қандайлигига қараб ўзгаради. Ранглар турли хил ёритишда турлича кўринади, табиий ёруҳлик таъсирида ранглар асл ҳолича кўринса, сунъий ёритишда, ёритгич турига қараб хирароқ ёки ёрқинроқ кўриниши мумкин. Шунингдек материалнинг фактурасига қараб ҳам ранглар турлича идрок этилади, масалан, юпка, ҳарир газламалар очроқ кўринса, қалин, зич тўқилган ва тукли газламалар тўқ кўринади. Сирти ялтироқ ипак газламалар ва тукли газламалар ёруғликнинг қайси томондан тушишига қараб, турлича товланади, ҳамда тукларининг йўнилишига қараб ҳам битта газламанинг ўзи ҳам тўқроқ ёки очроқ кўринади.

Назорат саволлари:

1. Рангнинг физик ва психофизиологик хусусиятлари.
2. Ранглар доирасини тузиш қоидалари.
3. Хроматик ва ахроматик рангларнинг уйғун бирикмалари.
4. Рангларнинг баравар контраст ҳодисаси нима?
5. Қандай ранглар нейтрал ҳисобланади?

7-Маъруза (2 соат)

Мавзу: КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИДА МАТЕРИАЛНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ФАКТУРАСИ.

Режа:

1. Материалларнинг пластик, декоратив, физик-механик ва гигиеник хусусиятлари.
2. Материалнинг фактураси.
3. Материалларнинг нақш-гули. Декоратив мотивлар турлари.
4. Костюм композициясида материалнинг нақш гулидан фойдаланиш.

Адабиётлар: [1], 44-47 б, [2], 66, 111-112 б, [3], 66-74 б, [4], 222-223 б.

1. Кийимни ҳажмли шакл деб қаралганда, унинг қандай материалдан тикилганини билиш керак (газламалар, трикотаж, мўйна, чарм, замша, нотўқима материаллар, қават газламалар, плёнка, ёғоч, пластмасса, шиша ва бошқалар).

Бу материаллардан ҳар бирининг ўз п л а с т и к хусусиятлари (майинлик, осилувчанлик, дағаллик ва шу кабилар), д е к о р а т и в хусусиятлари (фактура, ранг, нақш-гул), ф и з и к – м е х а н и к хусусиятлари (зичлик, қайишқоқлик, чўзилувчанлик, киришувчанлик, титилувчанлик ва бошқалар) ва г и г и е н и к хусусиятлари (ҳаво ўтказувчанлик, нам ўтказувчанлик, иссиқ ўтказувчанлик ва ҳоказо) бўлиб, шаклнинг характери ва конструктив ечим қандай ҳал этилишини шу хусусиятлар белгилаб беради.

Масалан, ҳарир шифон газламалар майин, осилувчан, драпировкабоп бўлади, шунинг учун улардан чоклари минимал даражада кам, юмшоқ, овалсимон шакл яратилиши керак, бунда драпировкалар, бурмалар, майин тахламалар, клеш бичиқ ҳисобига шакл ҳосил қилинади; йилтироқ, кўзга ташланиб турадиган (крепсатин типигаги) газламаларнинг драпировкабоп эканлиги етарли даражада ҳажмли, гавда бўйлаб “сирпаниб” осилиб турадиган кийим тикиш имконини бериб, газламанинг жимирлаши унинг юқоридаги хусусиятларини кучайтириб кўрсатади; синтетика аралаш жун газламалардан жуда аниқ, катъиян геометрик шаклдаги буюмлар тикилади.

Физик-механик хусусиятларни билиш тўғри шакл бериш учун ҳам (масалан, трикотажнинг чўзилувчанлиги киши гавдасига ёпишиб турадиган кийим тикиш имконини беради), зарурат бўлганда тикишдан олдин материалларни декатировка қилиб олиш (намлаб-иситиб ишлов бериб, киришмайдиган қилиб олиш) учун ҳам имкон беради.

Материалларнинг гигиеник хусусиятлари ҳам кийим шаклини ҳосил қилишга таъсир этади. Масалан, ҳаво ўтказиши ва намлик ўтказиши ёмон материаллардан бўлган кийимларни, кийим тагидаги ҳаво айланиб, вентляция бўлиб туриши учун, гавдага ёпишмайдиган очиқ шаклли қилиб тикиш тавсия этилади.

Газламаларнинг декоратив хусусиятлари шаклнинг геометрик кўринишини танлашдагина эмас, балки шакл ҳосил қилиш принципларини ҳам, шаклдаги ички ечимларни танлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

2. **Ф а к т у р а** материалнинг энг ифодали хусусиятларидан бири ҳисобланади. У сезилувчан информация манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фактура – бу материал юзасининг тузилишини характерловчи хусусият. Фактура табиий (мўйна, тери, ёғоч, замша ва бошқалар) ва механик йўл билан олинган ҳосила бўлади. Материаллар силлик, ғадир-будир, ялтироқ, хира, тукли ва ҳоказо фактурали бўлиши мумкин. Ҳосила фактуранинг характери материалнинг қандай усулда (тўқимачиликда, тўр тўқиш, трикотаж ва ҳоказо) олинганига, юзасинининг бўртиқ қисмларининг баланд-пастлигини ва ипларнинг материал зичлигини белгилайдиган чалишиш характерига боғлиқ. Сатҳ бирлигига тўғри келадиган фактура элементларининг катта-кичиклигига ва миқдорига қараб материалларнинг юзаси ифодалилиги жиҳатидан ҳар хил бўлади.

Ҳар бир фактурада бадиий образ белгилари бўлади. Фактура совуқлик ва илиқлик, енгиллик ва вазминлик ва бошқа таассуротлар ҳосил қилиши мумкин.

Фактура танлашда мавсум, кийимнинг нимага мўлжалланганлиги, одамнинг жинси, ёши ва гавда тузилиши тури ҳисобга олиниши керак. Кечкурунги башанг кийимларга ялтиллайдиган қимматбаҳо сидирға материаллар ишлатилади, лекин ола-чипор материаллар бундай кийимларга ишлатилмайди.

Газламанинг фактура хусусиятлари умуман шаклни ва унинг қисмларини идрок қилишда кўз алданиши пайдо бўлишига таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, кўриниши вазмин, хира, тукли фактуралар шаклни катталаштириб кўрсатади.

3. Шаклнинг ва умуман гавданинг идрок этилишида нақш гулнинг муҳим аҳамияти бор. Шаклни нақш гулдан ажратиб бўлмайди. Ҳамонки шаклда нақш гул бор экан, демак нақш гул шаклнинг зарур компоненти, бир қисми бўлиб туради. Нақш гулнинг ҳам костюм сингари кўп асрли тарихи, халқларга, миллатларга мансублиги бор.

Материалларнинг кўпдан-кўп хил гулларини қуйидаги декоратив мотивлар кўринишида бўлади деб қараш мумкин:

1. ўсимлик мавзулари;

2. геометрик мавзулар;
3. ҳайвонот олами мавзуси;
4. буюмлар мавзулари;
5. каллиграфик мавзулар;
6. фантастик мавзулар;
7. астрал мавзулар;
8. сюжет мавзулар;
9. абстракт мавзулар;
10. манзара мавзулари;
11. аралаш мавзулар.

Расм тасвири натуралистик ёки стиллаштирилган, ясси ёки ҳажмли бўлиши мумкин. Расм майда, ўртача, йирик бўлиши мумкин.

Нақш гул юзани текис тўлдириб туриши (мотор-ҳаракатланувчи ёки раппорт-такрорланувчи бўлиши) мумкин, ёхуд муайян участкаларда жойлашган (купон ҳолида ёки ҳошияда) бўлиши мумкин.

4. Турли кийим турларини моделлаштиришда нақш гул танлашга жиддий муносабатда бўлиш керак ва нақш гул характери билан хусусиятларини жинс-ёшга, гавда тузилишининг типига, кийим нимага ва қайси мавсумга мўлжалланганлигига, тикиш усулига қараб ҳисобга олиш керак.

Болалар кийимидаги нақш гул композицияси айниқса аниқ-равшан, тушуниш осон, кўпинча қизиқарли расмли бўлиши керак, чунки болалар кийимидаги нақш гулнинг нафақат эстетик, балки билим орттириш вазифаси ҳам бор.

Катта ёшлилар майда ёки ўртача гулли, босикроқ бўғиқ тусни маъқул кўришади.

Тасвирий мотивларнинг, размерга боғлиқ ранг ва тус ечимларининг ва расм жойлаштирилишининг энг эмоционал жарангдорлиги, ифодалилиги, хилма-хиллиги ёшларнинг кийимида бўлади деб ҳисобланади.

Кундалик кийимда майда ва ўртача гулли газлама ишлатилади, борди-ю, газлама йирик гулли бўлса, унда гуллар сокин колоритли бўлиши керак. Башанг кийимларда ва дам олиш кийимларида ранглар диапозони жуда кенг бўлади.

Расми мураккаб (расми йирик, раппорти катта, расми йўналишли, купон кўринишидаги ёки ҳошиядаги) материаллардан кийим моделлаштирганда, ҳамма деталларда расмлар йўналиши бир томонга қараган бўлишини, ўқ чизиқларининг жойланишини, умумий ранг ечимини ҳисобга олиш керак. Кийимни бичаётганда жуфт деталларда, витачкаларда, чокларда расмлар мос келишини, деталлар чокида раппорт сақланишини назорат қилиб бориш керак.

Нақш гулли материалларда турли чизиқлар, бўртма чоклар, драпировкалар, майда деталлар кам сезиладиган бўлгани учун, улар ифодали чиқмаслигини ёдда тутиш керак. Уларни кўринарли қилиш учун сидирға газаламадан мағиз, тасма ва ҳоказолар қўйиб қўшимча безаш керак бўлади.

Назорат саволлари:

1. Материалларнинг қайси хусусиятлари пластик хусусиятларига киради?
2. Материалларнинг манзарали хусусиятларига қайсилар киради?
3. Материалларнинг физик-механик хусусиятларининг кийим композициясидаги аҳамияти.
4. Кийим шаклини ҳосил қилишда материалларнинг гигиеник хусусиятлари қандай роль ўйнайди?
5. Материал фактурасининг кийим композициясидаги роли.
6. Газламаларнинг нақш гуллари турлари.
7. Кийим композициясида материалларнинг нақш гулининг роли.

8-Маъруза (2 соат)

Мавзу: КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИДА БЕЗАКНИНГ АҲАМИЯТИ.

Режа:

1. Костюмда декоратив безак турлари.
2. Декоратив безакларнинг аҳамияти.
3. Безакларни материали ва шаклига биноан гуруҳлаш.

Адабиётлар: [1], 47 б, [2], 112-114 б, [3], 235-240 б, [4], 223-227 б.

1. Безак композициянинг мустақил элементи эмас – бу қўшимча, зийнат бўлиб, кийимда у йўқ бўлиши ҳам мумкин.

Кийим тарихининг ҳар қайси босқичига ўз безак турлари ва уларни ишлатиш усуллари хос бўлади.

Кийимни моделлаш тажрибасида ишлатиладиган безак турлари хилма-хил бўлиб, улар композициядаги асосий ғоя бўлиши ёки костюмдаги мўлжалланган бадиий-образли ниятни кучайтирадиган ва бойитадиган бўлиши мумкин. Безак дан кийим шаклини ёки унинг бир қисмини

бўрттириб, шаклни бўлакларга ажратиб кўрсатиш учун фойдаланилади. Декоратив безакнинг декоратив ва конструктив аҳамияти (драпировка, бўртма бурма, майда тахлама, гофрэ, плиссе ва ҳоказо), декоратив ва утилитар аҳамияти (белбоғлар, қоплама чўнтаклар, тугмалар, фурнитура ва шу кабилар) ва фақат декоратив аҳамияти (кашталар, қўйма бурмалар, аппликация ва бошқалар) бўлиши мумкин.

Ҳозирги сон-саноксиз безакларни материали ва шаклига биноан қуйидаги гуруҳларга ажратса бўлади:

1. Барча турдаги бўртма чокларни, тахламалар, бўртма бурмалар, драпировкалар, плиссе, гофрэ, безак бахяқаторларни тикиш натижасида ҳосил бўладиган безаклар;
2. Кийимни ўз материалдан ёки безак газламадан ясалган деталлар ёрдамида безаш (қўйма бурмалар, икки томонлама қўйма бурмалар, воланлар, бейкалар, мағизлар, бантлар, галстуклар, хлястиклар, паталар, погонлар ва ҳоказо);
3. Махсус безак материаллар(тўр, тасма, попук, ленталар, гуллар ва бошқалар) ёрдамида безаш;
4. Фурнитура (тугмалар, тўқилар, декоратив пистонлар, блокча-пистонлар, “молния”лар ва бошқалар).
5. Кашта, аппликация, эмблемалар, бисер ва ҳоказо безаклар.
6. Бошқа материаллар (мўйна, чарм, замша, трикотаж, тўр полотно ва ҳоказолар) ёрдамида безаш.
7. Кийим деталларига босма гул солиб безаш.

Безак турини, унинг жойини танлаш кийимнинг тури ва нимага мўлжалланганлигига, кийим шаклига, материалнинг фактурасига, жинс-ёш омилига, одам гавдасининг турига, гавданинг шахсий хусусиятларига, инсоннинг характериға боғлиқ.

Назорат саволлари:

1. Кийимда безакнинг вазифаси.
2. Кийимда безакнинг аҳамияти.
3. Безак элементларнинг материали ва шаклига биноан гуруҳларга бўлиниши.
4. Безак турини танлашда нималарга эътибор бериш керак?

9-Маъруза (2 соат)

Мавзу: КОСТЮМ КОМПОЗИЦИЯСИДА ИЛЛЮЗИЯЛАР.

Режа:

1. Иллюзия (кўзнинг алданиши) тушунчаси.
2. Иллюзия турлари.
3. Гавда шаклини идрок этишда иллюзиянинг роли.
4. Костюм композициясида иллюзиялардан фойдаланиш.

Адабиётлар: [3], 132-144 б, [5], 141-142 б.

1. Рангларни, чизиклар ва бурчаклар йўналишини, ўлчов, форма, сатҳ, масофа, оралик ва ҳоказоларни идрок қилишда кўзнинг алданишидан ҳам кийимда фойдаланилади. Идрок қилишдаги алданиш куйидаги турларга ажратилади: формани икки ўлчовда идрок қилишдаги алданиш, учинчи ўлчовни идрок қилишдаги алданиш ва рангни идрок қилишдаги алданиш (бу ҳолда форма ўзгаради) ва ҳоказо. Кийимни лойиҳалашда кўзнинг юқорида айтиб ўтилган алданишларидан, яъни иллюзиялар группасидан турлича фойдаланилади.

Вертикал йўналишни идрок қилишдаги алданиш шундан иборатки, вертикал чизик худди шундай узунликдаги горизонтал чизикдан узунроқ бўлиб кўринади. Шу билан бирга, юқорида жойлашган деталь пастда жойлашган шундай ўлчамдаги деталдан каттароқ бўлиб кўринади.

Тўлдирилган ораликни идрок қилишдаги алданиш шундан иборатки, ичи чизиклар билан тўлдирилган қисмлар худди шундай ҳажмдаги, лекин ичи бўш қисмлардан каттароқ бўлиб кўринади. Агар шу қисмни тўлдириб турган чизиклар зич жойлашган ва кўп миқдорда бўлса, кўз ҳақиқатан ҳам алданади: лекин сони кам ёки чизиклар сийрак жойлашган тақдирда тескари таасурот туғилади. Кийимда бўйни, бели, елка ва ҳоказоларни баландроқ ёки пастроқ, узунроқ ёки қисқароқ қилиб кўрсатиш учун кўзнинг ана шундай алданишидан фойдаланилади. Гавданинг кўзга яққол ташланиб тўрадиган қисмида деталларни кўпайтириб юбориш ярамайди, акс ҳолда бу ердаги ўлчам

янада каттароқ бўлиб кўринади. Бундай ҳолларда «психологик план фактори» роль ўйнайди.

Ўткир бурчакни идрок қилишдаги алданиш. Одатда ўткир бурчакнинг томонлари орасидаги кичик масофа кўзга каттароқ бўлиб, тўмтоқ бурчакларнинг томонлари орасидаги катта масофа эса, аксинча, мавжуд масофадан кичикроқ бўлиб кўринади. Гавданинг бир қисмини бошқа қисмидан кенгроқ ва кичикроқ қилиб кўрсатиш керак бўлганда кўзнинг ўткир бурчакни идрок қилиш хусусиятидан фойдаланиш мумкин. Масалан, елкалар сербар бўлиб кўриниши учун ёқа ўмизини V-симон (ўткир бурчак шаклида) ўйиш керак.

Контраст ва текислаш қонуниятларини ҳам назарда тутиш лозим. Контрастлар диққатни ўзига жалб этади, эса қолади ва ҳис-туйғуларимизга кучли таъсир кўрсатади. Одатда катта бурчаклар билан ўраб олинган бурчак кичик бурчаклар билан ўраб олинган худди шундай ўлчамдаги бурчакдан кичикроқ бўлиб кўринади. Бўйлари баб-баравар бўлган икки киши ёнма-ён турганда озғинроқ кишининг бўйи баландроқ бўлиб кўринади. Бошларининг катталиги бир-хил бўлган икки кишидан бири катта ўлчамли бош кийими кийса ва иккинчисининг бош кийими кичкина ва тор бўлса, мана шу иккинчи кишининг боши каттароқ бўлиб кўринади. Агар кийимнинг ёқаси бўйнига ёпишиб турмаса, ингичка бўйин янада ингичкароқ бўлиб кўринади. Кийимнинг бели чиппа ёпишиб турганда (белбоғ тортиб боғланганда) йўғон сон соҳаси янада йўғонроқ бўлиб кўринади. Шунга кўра гавданинг бирор хусусияти камроқ сезиладиган бўлишини истасангиз кийимда жуда контраст деталларни ишлатманг.

Текислаш (бараварлаш)да рўй берадиган алданиш (иллюзия подравнивания). Гавданинг бирор хусусиятини бўрттириб кўрсатиш (ёки ниқоблаш) учун бу хусусиятини такрорлайдиган ва орттирадиган шакл қўлланилганда кўзнинг ана шундай алданиши юз беради. Масалан, семиз киши кенг кийим кийса у янада тўлароқ кўринади ва аксинча. Тўғри чизиқнинг учларидаги бурчаклар орасидаги масофанинг ўзгариши кўриниб турадиган ўлчамининг каттароқ ёки кичикроқ бўлиб идрок этилишига (текислаш иллюзияси содир бўлишига) ёрдам беради чизиқнинг ичкарига қаратилган бурчаклар оралиғидаги қисми ташқарига қаратилган бурчаклар оралиғидаги бир хил узунликдаги қисмидан қисқароқ кўринади. Агар бошдан пастга қаратиб тортилган чизиқлар қия, оёқдан тепага қаратиб тортилганлари тўғри бўлса, одамнинг жуссаси калта бўлиб кўринади; чизиқлар бунинг аксича чизилганида кишининг бўйи баландлашгандек туюлади. Демак, контраст гавданинг муайян хусусиятини кучайтиради ва диққатни ўзига жалб этади, формадаги ўхшашлик эса бу хусусиятини камроқ сезиладиган қилади. Иккинчи томондан олганда, ўхшашлик ҳам ўз таъсирини кўрсатади: ўхшаш хусусиятларни кучайтиради ва уларнинг бир хиллигига диққатини жалб этади.

Рангларни идрок қилишдаги алданиш (иллюзия цвета). Юзанинг эгрилик даражасига қараб ранглар ҳар хил идрок қилиниши мумкин; масалан, ботик, қийшиқ, юзалар рангларни йигади, бўрттириб кўрсатади; кавариқ, дўмбоқ шакллар айрим жойларда рангларни кучсизлантиради. Кўзимиз буюмнинг қаерда турганлигига ва ёруғлик манбаига қараб, рангларнинг ўзгаришидаги аранг сезиларли фарқни ҳам кўриши: материалларни, ёруғликни қайтариш ва синдириш хоссасига қараб, бири-биридан фарқ қилиш мумкин; масалан, духоба, тукли (пахмоқ) материаларникига қараганда ёрқинроқ (тўйинганроқ) бўлиб кўринади.

Икки хил ранг (ахроматик ва хроматик ранглар)нинг аралашувидан ҳосил бўладиган четли контраст ранглар иллюзиясининг ажойиб кўринишларидан биридир. Бу ҳодиса таққосланаётганда ранглар четида уларга хил келмайдиган ранг пайдо бўлишидан иборат.

Равшан, тўйинган, ёқимли (илиқ) ранглар камроқ тўйинган, хира, совуқ рангларга қараганда масофани яқинроқ қилиб кўрсатади.

Рангларнинг барабар контрасти деб юритиладиган ҳодиса ҳам мавжуд. Бу ҳодиса шундан иборатки, ёнма-ён турган ранглар муҳитга қараб тусини ўзгартиради. Масалан, контраст ранглар ёнма-ён турса, уларнинг контрастлиги (хил келмаслиги) кучаяди. Кул ранг қора фон устида очроқ бўлиб, камроқ тўйинган ранглар янада хирароқ бўлиб кўринади. Оч ранглар ҳажмни катталаштириб, тўқ ранглар эса кичиклаштириб кўрсатади. Оч ва тўйинган, ёрқин ранг газламадан тикилган кийимда жусса каттароқ бўлиб кўринади. Қизил ва сариқ ранглар жуссани катталаштириб кўрсатади, гўё олдинроқда кўради ва қиёфани кўзга яққол ташланиб турадиган қилади. Қора ранг жуссанинг контурларини очиқ-ойдин кўрсатади.

Назорат саволлари:

1. Иллюзия тушунчаси.
2. Иллюзия гуруҳлари.
3. Вертикал йўналишни идрок қилишдаги алданиш.
4. Тўлдирилган оралиқни идрок қилишдаги алданиш.
5. Ўткир бурчакни идрок қилишдаги алданиш.
6. Текислашда рўй берадиган алданиш.
7. Рангларни идрок қилишдаги алданиш.

10-Маъруза (2 соат)

Мавзу: КИЙИМНИНГ УСЛУБИЙ ЕЧИМИ ТУРЛАРИ. ЗАМОНАВИЙ КИЙИМЛАР ТУРЛАРИ ВА ТАВСИФИ.

Режа:

1. Кийим услуб ечимининг турлари.
2. Кийимнинг услубий ечими турлари: классик, спорт, «фантази» услублари.
3. Замонавий кийимлар турлари: уй кийими, кундалик кийим, башанг кийим, махсус кийимлар.

Адабиётлар: [1], 48-57 б, [2], 134-137 б, [3], 214-231 б.

1. Ҳозирги кийимнинг асосий хусусияти қулайлик ва функционалликка интилиш бўлиб, бу конструкцияни соддалаштиришда, кийимнинг ҳар қандай гавдага мослатиши осон, ёпишмай, бемалол турувчи шаклида ифода топади. Ҳозирги кийимнинг хусусиятлари қуйидагилар:

- кийим ансамблининг ёрқин образлиги;
- нимага мўлжалланганига қараб қўшимчалар танланиши;
- яқка кийим турларидаги материалларнинг ихтиёрий композицияси;
- кўп вазиқалик, мавсумга қарамаслик, турланувчанлик кийимнинг ишбоплигини ва универсаллигини билдириши.

Кийимнинг янги турларини яратишга ва газламаларни нимага ишлатиш жиҳатидан қайта тақсимлашга мойиллик кучаймоқда.

Материалларнинг универсалланиши, эркаklar кийими газнамаларини аёллар кийимида ишлатиш, юпқароқ ва енгилроқ материаллардан уст кийим тикиш, енгил кийим турларини (эркаklar кўйлаги, майкалар, нимчаларни) уст кийим тарзида кийиш юз бермоқда.

Аралаш услублар, кийимнинг гибрид шакллари, анъанавий бўлмаган пропорциялар, узунлик, ҳажм, силуэтларнинг контраст бирга қўшилишлари, комплектларнинг кўпқатламлиги, контраст, кўпқаватлиги, нотипиклиги афзал бўлиб бормоқда.

Спортбоп-ишбоп услубининг етакчилик роли классик структурали газламалар ҳукмронлик қилишига, химиявий толалардан, табиий хом ашёдан тўқилган газлама хусусияти бор газламалар яратишга, ҳамма газлама турлари вазнини енгиллатишга сабаб бўлмоқда.

Бадиий услубларни бир-бирига қўшиш ёки услублар контрасти, услублар, газламаларни, кийим турларини эклектик бирга қўшиш (услубларни

қориштириб юбориш) ҳамма ёш группаларига характерли бўлиб, бу янги эстетик сифат юзага келганини билдиради.

Кийим ансамбли композициясида кийим қисмларини хилма хил тарзда, ҳар хил бирга қўшиб ва турли вариантларда кийиб юриш пайдо бўлмоқда. Турли ёшдаги кишилар гардеробида функционал кийимлар тобора камайиб бормоқда.

2. XX-аср костюми шаклининг тараққиёти ҳар хил вазифага мўлжалланган кийим шакллариининг асосий услуб ечимларини вужудга келтирди. Кўпдан-кўп услубларнинг барчасини урта асосий гуруҳга ажратса бўлади: классик услуб, спорт услуби ва “фантази” услуби.

Классик услубга функционал ва эстетик жиҳатларнинг айниқса монандлиги характерли. Функционаллик конструкция ва ишлаб чиқариш усули ёрдамида танланса, эстетиклик костюмнинг замон идеалига мувофиқлиги, костюмдаги бадиий хусусиятлар ёрдамида таъминланади.

Классик услубдаги кийимлар шаклининг яққол жиддийлиги ва батартиблиги, декоратив безакларнинг деярли йўқлиги, газламаларининг ранглари ва расмларининг сиполиги каби хусусиятларга эга бўлади. Классик услубдаги кийимлар кундалик кийим, расмий-амалий кийим ва тантанавор-башанг кийим сифатида кийилаверади.

Спорт услубидаги кийимлар актив ҳаракат қилиш учун қулай бўлган шаклли, чизиқлари геометрик, қоплама деталлари ва фурнитурасининг ифодалилиги ва йириклиги, безак баҳаяқаторлари кўплиги, тахламалар, кесимлар ва кокеткалари борлиги билан характерланиб туради.

“Фантази” услубидаги кийимда ниҳоятда хилма-хил шакл ва деталлар, одатдагидан бошқача шакл ва бўлинишлар, мураккаб бичим ва конструктив ечимлар, кутилмаган чизиқлар, симметрик ва асимметрик бўлинишлар, башанг ва хилма-хил безаклар бўлади. Материаллари хилма-хил расмли, колоритли ва фактурали бўлиши мумкин.

3. У й к и й и м и. Қулай, яхшилаб ўйлаб тикилган уй костюми одамга ва хонадонга ярашибгина қолмай, балки киши қайфият яхши бўлишига, уни иш юритишига кўмак бўлади, атрофдагиларни ҳам мамнун этади.

Уй кийими умуман хонадоннинг ички кўринишига мувофиқ келадиган, одам атрофидаги нарсаларга мос тушган, монанд бўлиши керак. Уй кийими – бу интерьер умумий ансамблининг бир қисми.

Уй кийими ҳам мода таъсирида бўлади ва кийимнинг айнан шу вақтга характерли бўлган силуэти, узунлиги, декори, ассортименти уй кийимида ҳам акс этади.

Конкрет шакллари, материаллар, декоратив безаклар, услуб ечимларини танлашда одам шахсияти намоён бўлиши учун уй кийими катта имкониятлар беради. Лекин уй кийимининг умумий тузилиши уйда одамларнинг батартиб, кўркем ва бардам кўринишига ёрдам берадиган бўлиши керак.

Уй кийими нимага мўлжалланганлигига, йил фаслига ва сутка вақтига қараб қуйидаги группаларга бўлинади:

1. Ухлаш кийими, эрталабки ва кечки ювиниш-тараниш кийими.
2. Уйда ишлаш кийими.
3. Меҳмон кутиш кийими.

Ухлаш кийими — тунги кўйлақлар, пижама поэтик образ вазифасини ўтайди. Ҳарир, очик рангли, юмшоқ газламалар, тўрлар, кашталар, кўйма бурмалар аёл киши қиёфасига нозиклик тиниқлик бахш этади. Бичими содда, чоклари минимал даражада кам, одатда бўйи узун, уни анча енгиллаштириб, ихчам қилиб кўрсатади. Кийим ассортименти, бўйининг узунлиги одамнинг ёшига, гавда тузилиши хусусиятлари, турмуш тарзи ва шароитига қараб танланади.

Ухлаш кийими ўсимлик ёки геометрик характердаги сийрак, майда гуллари бор очик майин тусли бўлиши керак, бу унинг массаси кам бўлиши талабига тўғри келади. Безаклар—кашта, кўйма бурмалар, икки томонлама кўйма бурмалар, тўрлар, мағизлар, бейкалар, тасмалар, бантлар, тикма тўрлар, печак тасмалар ва



бошқалар асосан кийим рангида бўлиб, буларнинг ҳаммаси уйқу кийимини чиройли ва қулай қилади.

Тақилма минимал миқдорда тугмалар ёки боғичлар чатиб, ечими қулай қилиб ҳал этилади. Ёқалар кичик ўлчамли бўлади.

Эрталабки ва кечки ювиниш-тараниш кийими — бу тунги кийим устидан кийиладиган халат. Бу кийим тунги кўйлақ ёки пижама билан комплекта ҳал этилади, шунинг учун уларнинг ҳажми, узунлиги, енгларининг бичиғи, ёқа ўмизининг ўйиғи ва ёқасининг характери, безаклари, ранги бир-бирига мосланган бўлиши керак. Тақилмаси бир бортли ёки икки бортли, минимал миқдорда тугма чатилган ёки белбоғли бўлади. Халатлар турли шаклдаги ёқали ёки ёқасиз,

чўнтаклари чокда ёки қоплама бўлиши мумкин. Бу кийим тунги кийим материалдан ёки шунга монанд газламадан тикилиши мумкин.

Кўпинча қалпоқча ёки дуррача зарур қўшимча бўлиб, булар соч турмагини авайлашга ёки таралмагаи сочни йиғиштириб туришга хизмат қилади.

Уйда ишлаш кийими асосан шим, юбка, блузка, сарафан, пешбанд кабилардан иборат комплектда ҳал қилинади. У расмий ва ишчанлик хусусиятларисиз, шакли, қўшимчалари ва зийнатлари ҳисобига ўнғайлик, бемалоллик туйғуси ҳосил қиладиган бўлиши керак. Уйда ишлаш кийими комплектлари ниҳоятда бемалол ҳаракат қилишга халақит бермайдиган бўлиши керак. Бунинг учун трикотаж майкалар, свитерлар билан шим кийилади ёки гавдага ёпишиб турмаслиги учун қўйими кўпайтирилган блузкалар кийилади.

Шакл, ранг, материал ва декоратив безакнинг монандлиги ҳисобига уй кийими билан пешбанднинг комплект бўлишига эришилади. Пешбанд воситасида гавданинг кўнгилдагидек идрок этилишига эришса бўлади. Масалан, елка боғларини бўйинга яқин боғлаб, елкаларни торайтириб кўрсатса бўлади, бурмалар бўксани кенгрок, тахламалар эса торроқ қилиб кўрсатади, кўкракпечнинг кенги кўкраклар ҳажмини катталаштирса, энсиз, чўзиғи кичиклаштиради.

К у н д а л и к к и й и м. Одамнинг ташқи кўриниши, унинг саноат корхонасидаги, қишлоқ. хўжалигидаги, муассасалардаги, савдо, транспорт, маиший хизмат соҳасидаги, Сув юртларидаги ва бошқа ерлардаги кийими қандайлиги катта аҳамиятга эга. Кундалик кийим – бу ҳам иш, ҳам хизмат костюми. Бир қанча касбдаги кишилар иш хусусиятлари ёки ишлаб чиқариш шароити сабабли махсус кийим кияди (металлурглар, ўт ўчирувчилар, балиқчилар ва бошқалар) ёхуд бошқалардан фарқ қилиш воситаси сифатида форма кийим кияди (ҳарбийлар ва маҳкамалар формаси). Айни вақтда махсус кийим талаб қилинмайдиган кўп касблардаги кишилар оддий кундалик костюм кийиб юрадилар.

Ҳозирги турмуш тарзи амалий иш кийимига унинг қулайлигини, рационаллигини, ишбоплигини кўрсатадиган қатор талаблариди. Бу куйидагилардан иборат:

- ҳажми ўртачалиги, бичими оддийлиги;
- пропорцияларининг аниқ, қатъийлиги;
- ранглариининг босиқлиги, ёрқинмаслиги;
- декоратив воситаларнинг минимум даражалиги;
- моданинг акс этгани меъёрдан ошмаганлиги.

Турли касблардаги хизмат шароити талабларида кийим ассортименти, унинг умумий шаклини, деталларини, ранг ечимларини декоратив акцентлар жойи ва характериини белгилаб берадиган умумий хусусиятлар ҳам, специфик хусусиятлар ҳам бўлади. Кийимнинг тури, шакли, силуэти, пропорциялари, бўлинишлари, чўнтаклариининг қандай жойланиши, уларнинг тури, тақилманинг тури касб белгилаб берадиган эргономик талабларга мувофиқ танланади.

Шунинг билан бирга кундалик костюм ечими касблар фарқига биноангина эмас, балки одамларнинг бир-бирига муносабатларини ҳам ҳисобга олиб ҳал этилиши керак. Бу турли касб-хунар кишилари ўртасидаги, масалан, ўқитувчи билан билан

ўқувчи, инженер билан ишчи, офицантка билан хўранда, сотунчи билан харидор ва бошқалар ўртасидаги муносабат бўлиши мумкин. Бу муносабатлар костюмнинг ишбоп (масалан, инженерда), башанг (телевидение дикторида), оммадан ажратиб турадиган (сотувчида), расмий (директорда) ва ҳоказолар бўлишига таъсир кўрсатади.

Одам фаолятининг кун мобайнидаги хилма-хиллиги кўпинча костюмга қўшимча талаблар қўяди. Шунинг учун у кўп функцияли ва кўп вариантли, яъни конкрет шароитга осон мослаб олинадиган бўлиши керак. Бунга костюмни комплект қилиб тузиш йўли билан эришилади.

Кундалик костюмнинг ранг ечими унинг нимага мўлжалланганлига ва уни қандай ишлатилиши характериға қараб танланади. Одатда, бундай ечим мўътаддил, босиқ, ўхшаш ва ўхшаш-контраст рангларни бирга қўшиб ҳал қилинади, контрастлар асосан ранг тусларининг оқишликлари ёки иккита яқин ранглар ўртасида бўлади.

Материални кийим нимага мўлжалланганига, эстетика талабларига (пластик хусусиятлар, ранг, расмга) қарабгина эмас, балки меҳнатнинг хусусияти белгилаб берадиган гигиеник талабларига ҳам қараб танланади.

Декоратив безаклар, композицион марказ қаерда бўлиши кийимнинг функционал вазифасига боғлаб ҳал этилади.

Қўшимчалар характерининг қандайлиги шу қўшимчалар нимага мўлжалланганига қараб белгиланиб, у ҳам ишбоп костюмнинг умумий характериға бўйсундирилган бўлади.

Б а ш а н г к и й и м. Моданинг янги йўналиши одатда башанг кийимда синовдан ўтказилиб маъқулланади. Башанг кийим одамга ярашадиган, унинг энг яхши хусусиятларини кўзга кўринтирадиган бўлиши керак.

Башанг кийим нимага мўлжалланганлигига қараб қуйидагича бўлинади: хонадон тантаналарида кийиладиган, театр ва концерт залларига борганда кийиладиган, рақс кечаларида кийиладиган, расмий тантаналарда кийиладиган, байрамда кийиладиган, мактабни битирувчилар оқшомларида кийиладиган, тўйда кийиладиган ва ҳоказо.

Арзигулик тантаналарнинг ҳаммаси одатда катта-катта хоналар, залларда ўтказилади, шунинг учун ҳамма нарса яқиндан ҳам, узоқдан ҳам кўринадиган бўлиши керак. Башанг костюм ечимини ҳал қилишда бу албатта ҳисобга олинади: рақс кечасида кийиладиган кўйлақларга ифодали зийнатлар, театрға кийиладиган костюмга заргарлик безаклари, тантанали вазиятлар учун оқиш контрастлар танланади.

Башанг кийимни моделлашнинг ўзига хос хусусияти шаклдаги хизмат туриға, касб-хунарға, спорт билан шуғулланишға ва одамнинг бошқа фаолияти туриға оид ҳамма қисмларни чиқариб ташлашдан ёки сезилмайдиган қилиб қўйишдан иборат. Ҳатто қулайлик ва ишбоплик ҳам яширин бўлиши керак. Шаклининг барча қисмлари ўз конструктив моҳиятини яшириб, бу моҳият декоратив кўринишда ифода топиши керак. Деталлар ишбоп характерда бўлмаслиги керак. Кийимнинг функционал хусусиятларини сезилмайдиган қилишға кўпинча пелериналар, шарфлар, драпировкалар, турли хил безаклар

ёрдам беради. Башанг кийимларда чўнтак бўлмагани маъқул, ёкалар, тақилмалар декоратив характерда бўлиши керак.

Башанг кийим шакли ечимининг икки тури бор:

1. Осойишта, «биқик», нейтрал шакллар. Бунда костюм одамнинг кўринишини такрорлайди ва унинг учун ўзига хос рамка, фон бўлиб хизмат қилади, унинг ташқи кифасини таъкидлаб туради ёхуд материалнинг нафислигини, бой кўриниши ва бошқа хусусиятларини ёки қўшимчалар ва зийнатларни бўрттириб кўрсатади. Бу тур костюмларнинг ечими одатда классик услуб йўлида бўлади. Улар одам актив ҳаракат қилмайдиган расмий тантаналарда, театрга борганда ва ҳоказоларда кийишга мўлжалланган бўлади. Бундай тур башанг кўйлаклари олиб қўйиладиган деталлар, қўшимчалар ва турли зийнатлар ёрдамида ҳар хил қилиб, уларнинг ишлатилиш диапозонини кенгайтирса бўлади.

2. Актив ҳилпираб турадиган, «биқик» шакллар безакларнинг декоративлиги ҳисобига ва бутун ўзининг тузилиши ёрдамида одам билан ҳамкорликда булади. Улар одам актив ҳаракатлар қиладиган рақс кечаларида, янги йил балларида, мактаб битирувчилари оқшомларида кийилади. Башанг костюм нимага мўлжалланганига қараб унинг материали читдан то духобагача, зийнатлар ёғочдан то бриллиантгача, декоратив беағи оддий мережкадан то зардўзи буюмларгача бўлиши мумкин. Башанг кийим моделларини ишлаб чиқишда кўпинча материаллар бирга қўшиб ишлатилиб, монандликка эришиш учун албатта биронта етакчи аломат бўлиши керак. Материаллар ранги бир хил бўлиб, фактуралар контрасти принципида, фактура бир хил бўлиб, ранглар контрасти принциплари ва айрим вақтда фактура билан нисбатлари контрасти бирга қўшилиши мумкин. Башанг костюм бадиий-образли ҳал этилиши унинг барча қисмлари ўзаро боғлиқ бўлишини ва одам шахсияти билан, шунингдек кийиб юриладиган муҳити билан албатта алоқадор бўлишини талаб қилади.

Назорат саволлари:

1. Кийим услуб ечимининг қандай турлари мавжуд?
2. Классик услубдаги кийимлар қандай хусусиятларга эга?
3. Спорт услубидаги кийимлар қандай хусусиятларга эга?
4. “Фантази” услубидаги кийимлар қандай хусусиятларга эга?
5. Уй кийими қандай бўлиши керак?
6. Уй кийимини қандай турларга ажратилади?
7. Кундалик кийимлар қандай талабларга жавоб бериши керак?
8. Башанг кийимлар қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?
9. Башанг кийимлар шакли ечимининг неча хил тури бор?

11-Маъруза (2 соат).

Мавзу: **БОЛАЛАР КИЙИМИНИ МОДЕЛЛАШ.**

Режа:

1. Болалар кийимининг характери аниқловчи омиллар.
2. Болалар кийимларига қўйиладиган талаблар. Болалар кийимлари учун ишлатиладиган материаллар.
3. Болалар кийимларини ёш гуруҳларига кўра моделлаштириш.

Адабиётлар: [2], 193-213 б, [3], 266-296 б, [5], 90-92 б.

Ёш болалар кийимини характерлайдиган омиллар. Ёш болалар кийимини характерлайдиган омиллар бир-бирига яқин, мос келадиган омиллардан иборатдир.

Бу ёш боланинг оилавий келиб чиқиш аҳволи; об-ҳаво шароитлари; ўсиш даврида болалар танаси тузилишининг ўзгариши; моданинг ўзгариши; шунингдек ишлаб чиқариш жараёнига ҳам боғлиқдир.

Болалар дунёнинг энг муҳим асосий қисмини ташкил этганликлари сабабли уларнинг кийимлари онгига жуда катта ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади, бу билан усиб бораётган болаларнинг тезкор, чаққон, ақилли ўзига ишонган, фаҳм-фаросатли бўлишларига, шунингдек келажакда меҳнатсевар бўлишларига ота-оналар ҳам катта таъсир қиладилар.

Шундай қилиб ёш болалар кийимининг тўғри танланганлиги таълим-тарбия ишларида жуда муҳим роль уйнайди. Шунинг учун ёш болалар кийимини бичиб-тикишда ҳар қандай ташқи ва ички муҳитлар яхшилаб ўрганиб чиқиши керак. Бундан келиб чиқадики, ёш болалар кийимининг характери жамоатчилик тарбиясига ҳам боғлиқ.

Ёш болалар кийими айниқса об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб тикилиши керак. Об-ҳавонинг бирдан исиб ёки совуб кетиши, болаларнинг соғлиғига таъсир қиладигани, буни назардан четда қолдирмаслик керак. Шимолда ва совуқ ўлкаларда яшовчи ёш болалар кийими ватин, синтепон ва иссиқ мўйна қўйиб тикилиши керак. Бундан ташқари устки кийим бир неча қаватдан тикилган иссиқ матодан бўлиб, уни тақилмаси ва иситувчи қисмлари (пелерина, бош кейими совуқдан сақлаши учун) тикилган бўлиши керак. Иссиқ ўлкаларда яшовчи ёш болалар кийими иссиқлик ва қуёш нурларини танага ўтказмайдиган, танани бир меъёрга илиқ ёки совуқроқ ҳолда сақлаб турадиган бўлиши керак.

Шунингдек шаҳарда ва қишлоқда яшайдиган болаларнинг кийимлари ҳам об-ҳавоси ва ижтимоий келиб чиқишига қараб тикилиши керак.

Ҳар қандай шароитда ҳам кийимларнинг ҳар турли қилиб тикилиши мақсадга мувофиқдир, кийим эстетик жиҳатдан тўғри танланиши керак. Ҳар бир халқнинг ўз миллий кейими бўлиб об-ҳавосига мос равишда тикилади.

Болалари ёшлари гуруҳлари.

Ўсиш даври	Қизлар	Ўғил болалар
Чақалоқлик	1 ёшгача	1 ёшгача
Ясли ёши	1-3 ёш	1-3 ёш
Мактабгача ёш даври	3-7 ёш	3-7 ёш
Кичик мактаб ёши даври	7-11 ёш	7-12,5 ёш
Катта мактаб ёши даври	11-14,5 ёш	12-15,5 ёш
Ўсмирлик даври (балоғатга етиш)	14,5-18 ёш	15,5-18

Болаларнинг танаси, тана кенглигининг конкрет қисмлари ва кийим тузилиши уларнинг турли ёшидаги тана асосларига боғлиқдир. Ёш болалар йил сайин ҳар хил ривожланадилар. Бўй узунлиги, оёқ, қўл ва бошнинг тузилиши асосан болалар ёшини ҳарактерлайди.

Шу сабабли болаларни юқорида келтирилган жадвал бўйича ёшга ажратилади. Ҳар бир ёшдагиларни кийими ўз характеристикаси (тавсифига)га эга. 3 ёшгача болалар кийими матоси, ранги тузилиши бўйича фарқланиб, бунда катталарнинг уларга бўлган меҳр-муҳаббати акс этган бўлиши керак. Мактаб ёшигача давридаги болалар кийими тўқиган, тез ўсаётган ҳаётни севувчи «бу нима» деб кўп савол бераверадиганлар тавсифига биноан бўлади. Кичик ёшдаги болалар кийими битта бир хил мактаб формасидан иборат бўлади. Бунда бола ўқишга, ҳаётга, ўзига, ён атрофдагиларга, коллективга қизиқиб киришиши керак. Катта ёшли мактаб ўқувчиларнинг кийими коллективга мослашиши учун ўзига хос, мос ҳамма ўқувчилар қатори бўлиши керак. Бунда жуда кўп вариантлар бўлиши мумкин. Ўсмирлар фойдали меҳнат қилиши билан бирга ўзларини катта яъни балоғатга етганларини тушунадилар, шу сабабли уларнинг кийимлари катта ёшлиларнинг модасига мувофиқ тикилиши керак. Болалар – бу бизнинг ҳаётимиз давомчилари ва биз билан бирга яшайдиган кичкина одамчалардир, уларнинг кийимлари ҳам биз катта ёшлилар билан бир хил бўлиши керак, фақат ёшни ҳисобга олган ҳолда. Умуман олганда болалар кийими мода ўзгаришига қараб тикилмайди, катталарники сингари болалар кийими катталарникидан озгина фарқланади, янги модада бўла олади ва бу унга хушчақчақ бўлиб яшашига ҳалақит қилмайди, ҳаётда эмин-эркин яшашига ёрдам беради.

Ёш болалар кийими XIX асрдан бошлаб асосий белгилар орқали ажрала бошлади. Бу вақтгача қиз болалар кийими, асосида тўғри бурчак шаклда, кенг енгил, ўғил болаларники кенг оқ куйлак ва иштондан иборат эди. Аёллар кийими модерн модаси даврида ёш қиз болалар кийимига унча катта таъсир кўрсата олмади, бу вақтда ёш қизлар кийими ташқи кўриниши спорт услубида бўлиб, матроскалар гуруҳига кириб, кенг, елкада катта тўғри тўртбурчак шаклидаги ёқали ва олди томонда галстук бўлган кўйлак бўлган. Формани кенг тарғиб этиш мақсадида бу формаларга янги конструкциялар киритилган. Бу билан янги, хилма-хил силуэт бўйича, формалар детали бўйича, функцияси ва эстетик жиҳатдан ҳар томонлама жавоб берадиган кийимлар ўйлаб топила бошланди. Ёш

болалар кийими кўйлак бичимига яна кашта тикиш, аппликация ва бошқа декоратив элементлар билан безаш киритила бошланди ва бу билан ёш болалар кийими ҳар томонлама модага жавоб бера бошлади. XX асрнинг 60-йилларда мода анча «ёшарди», ҳар хил конуссимон шаклли, йирик ва майда бурмали юбкалар, катта-катта аниқ формали ёқалар пайдо бўла бошлади. Ўзининг спорт услубда тикилганлиги сабабли бу ёш болалар кийимига мос тушарди ва жуда узоқ вақтгагача қўлланилиб келди. 70-йилларда «кичкина» формалар, танага ёпишиб турадиган туғила бошланди. Бу формада бемалол ҳаракат қилишлиги учун ишлаб чиқарувчилар янгиликлар яратишга мажбур бўлдилар. Янги кичик кўшимчалар, бичиш тикишдаги ўзгартмалар ва ҳоказолар ўнлаб чиқиладиган бошлади. Кийим ўсмирлар ҳаракатига жуда мос кела бошлади. Катта ёшдагилар кийимида бу кулгули кўринсада, ўсмирлар кийимида бу жуда тантанавор кўринарди. Улар биринчи марта чуқур модалар оламига кира бошладилар.

Кичик формаларнинг учқурлиги ўтиб кетди (ёш болалар кийимида кийим узунлиги ошиб борди), лекин форма торлиги, одам ҳаракатига ҳалақит бермаслиги сабабли, ёш болалар кийимининг меъёрига киритилди. Бу билан модадаги янги мавзулар кенг ишлаб чиқиладиган бошланди. Бизнинг давримизда мактаб ўқувчиларининг кийимида функцияси ва кўринишига қараб танага ёпишиб турадиган кийимларга мос тушади (трикотаж майкаси, футболкалар, свитерлар, курткалар ва плашлар). Шу билан бирга ёш болалар кийимида асосан тенглик бордир. Албатта ёш болалар кийими тезкорлик билан ривожланмайди. Болалар кийимларини моделлаштириш жараёнига мода бўйича дизайнерлар, ишлаб чиқарувчилардан ташқари, врачлар, ўқитувчилар, болалар тарбияси билан боғлиқ ҳар хил ташкилотларда ишлайдиган касб эгалари ҳам жалб қилинадилар. Уларнинг берган баҳоларига ва маслаҳатларига кўра иқтисодий омиллар ва халқнинг талаб эҳтиёжига кўра ёш болалар кийимлари лойиҳаланади. Ёш болалар кийимларига бўлган эҳтиёж болаларнинг тезкор равишда ўсиши, танасидаги ўзгаришлар (семириш, озиш) ва уларнинг меҳнат қилишидаги характериға қараб ўсади, ҳамма кийим турлари саноат соҳасида ишлаб чиқиладиган бўлади. Айнан саноат ишлаб чиқариш соҳасида ёш болалар кийимига қўйиладиган талаблар кўриб чиқилиб кийим лойиҳаланади (эстетик жиҳатдан, кийим асортименти бўйича режа асосида турлари антропологларнинг базавий конструкция бўйича ва ҳ.к) буларнинг барчаси матоларнинг саноат ишлаб чиқарган тўғри лойиҳалашда қўл келади. Ўз навбати билан ишлаб чиқариш ўз шарт-шароитини қўяди, бунда ишлаб чиқарилган матонинг характери, асбоб-ускуналарини ва технологик тартибларини ва иқтисодий томонларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш зарур.

Ёш болаларнинг кийими ва матоларига қўйиладиган талаблар. Ёш болалар кийимлари турли хил матодан (трикотаж, сунъий ва табиий жундан, юпка материаллардан, сунъий ва табиий замша ва теридан танланади). Уларга қўйиладиган умумий талаблар: ўртача масса, баданга ёқимли бўлиши, очик рангли, енгил, юмшоқ, хушчақчақлик бахш этувчи, организм учун зарар қилмайдиган ва ҳоказо.

Газлама ва трикотаж материаллар ёш болалар кийимини ишлаб чиқишда жуда кенг қўлланилади. Қуйида газламанинг муҳим жиҳатларига кўра танлашни кўриб чиқамиз: матони лойиҳалашда асосий яъни гигиеник, эстетик ва физикавий,

механик талабларга ҳар жиҳатдан жавоб бериши керак. Газламанинг ташқи кўриниши, иқлим шароитларига жавоб беришига қараб, материалга бўлган талаблар турличадир. Ички кийимли матолар (пахтали ва ипакли) ҳавони яхши ўтказадиган, енгил, юмшоқ танага майинлик бахш этувчи бўлиб, уларни оч ва пушти рангларга бўяшади. Устки кийимлар матолари, қишда совуқ ўтказмайдиган, танага ёпишиброқ турадиган, енгил ва юмшоқ бўлиши керак. Синтетик газламалар ва бошқалар очранг ва кўзга хуш ёқадиган рангларга бўялади.

Устки кийим учун иссиқлик бахш этувчи газламалар (пальто, куртка) ҳам енгил, юмшоқ танага ёпишиб турадиган, кўпинча туки ичига қаратилган мато ишлатилади, бу бола танасига иссиқлик беради. Устки кийим матосининг ранги асосан енгил ва тинчлантирувчи бўлади.

Кўйлак ассортименти учун матолар хилма хил бўлади, мустаҳкам, лекин ингичка ва юмшоқ бўлади. Бу мато ҳужжатлаштирилганда расми, колорити бўйича турлича бўлади. Кийим газламасини универсал ўлчовларда майда ва ўртача катталиқда олади. Гулли газламаларга кўйидаги талаблар қўйилади: композиция системаси оддий ва тушунарли бўлиши керак, расм кийимга мос бўлиши керак, кийим қизиқарли ишланган бўлиши керак. Расмлар асосан классик услубида бўлади (чизиқлар, каттаклар) болалар атрофидаги буюмлар расмини бўлишини истади. Уларга ашула, эртак, шеърлар мисолдир. Улар болаларнинг фантазиясини ўстиради.

Чақалоқ болалар кийими. Бунга бир ёшгача бўлган болалар киради. Уларнинг боши катта бўлади, қўллари узун бўлади. Болани бош айланаси, кўкрак айланасига тенг. Елка тенглиги бўлса ярим айланасига тенг бўлади. Тана маркази киндик қисмида жойлашади. Бу ёшдаги болалар 6-8 ой вақтини караватда ўтказди, шунинг учун уларга оддий, енгил, яхши ювиладиган, яхши дазмолланадиган, шу асосда ўзини хусусиятини йўқотмайдиган кийим керак. Чақалоқнинг биринчи кийими яқтакча, устки кийим, бош кийим ва иштон бу кийимларнинг яхши томони шундаки, у эркин, оддий бичимли, кам ишлов бериладиган ва осон безалади. Рубашка қорнини пастига давом этади, бола ўтиришни бошлаганида унга иштон кейдирилади. Чақалоқнинг устки кийими енгил, иссиқ, енгсиз, капюшонли, этаги кенгайган, одатда эркин (ҳаракат учун) бош кийим ҳам бўшроқ бўлади (болани боши эркин ҳаракатланиши учун) Газламалар чақалоққа ёруғлик, тозаллик бахш этади. 70-йиллар чақалоқлар учун тор кийимлар бўлган. Шундан сўнг озгина қўшимчалар киритила бошлади, рельефлар топилди. Шундай қилиб чақалоқлар кийими ривожланди, унинг ривожланиши мантиқий, утилитар ва эстетик завқ бера бошлади. Моделлар уйида ўсмирлар ва болалар кийимлари лойиҳалана бошлади, коллекциялар ташкил этилди, унда моделерлар, конструкторлар, муҳандислар иштирок этди, шу қаторда врач, ўқитувчи, турли хил ташкилотлар ҳам иштирок этди. Улар ўз малакалари билан фикр алмашдилар.

Болалар кийимига катта талаб қўйилади. Ишлаб чиқариш саноатида керакли ва талаб қилинган болалар кийими ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқариш пайтида асосан эстетика ва модели назарда тутилади. Болалар кийими антропологларнинг кўрсатмаси ва чизган конструкциясига асосан ишлаб

чиқилади. Саноат усулида болалар учун чиройли, ҳар томонлама бежирим, қулай, тўғри ҳисоб-китоб қилинган, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган қилиб кийимлар ишлаб чиқилади.

Мактаб ёшидаги болалар кийимлари. Болалар мактабга боришлари билан уларда янги мажбуриятлар, машғулотлар, янги кун тартиби пайдо бўлади. Бу ерда улар онгли равишда ва режа асосида билим олишни ўзлаштириб, янги коллектив ҳаётига мослашадилар. Жажжи болакайлар китоб, дафтарлари ва мактаб формасини авайлаш орқали мактаб ҳаётини ҳурмат қилишни ўрганадилар.

Мактаб ўқувчисининг гардеробида мактаб формасидан ташқари спорт костюмлари (стадион ва спорт залларидаги машғулотлар учун), меҳнат дарси учун иш фартуклари ёки халатлар, уй юмушлари ва ўйнаш учун кийимлар ҳамда байрамона либослар бўлади. Буюмларнинг бу қадар кўплигидан бола бир тўхтамга келиши зарур. Бунда комплект услубида тикилган кийимлар унга ёрдам беради.

8-10 ёшларда боланинг қомати секин-аста ўзгариб, суяклар қотиб, мускуллар мустаҳкамланиб, оёқлар узунлашиши қоматга ўзгача кўрк бағишлайди, қориннинг чиққани йўқолиб, бел кўзга ташланиб қолади. 10 ёшларда қомат ўзгариб, бошнинг баландлиги тана узунлигига кўра 1:6 ёки 1:6,5 га тенг бўлади.

7-8 яшар қизларнинг кийимлари тўғри силуэтда ёки бел чизигидан пастга томон кенгайган бўлади, 9-10 ёшда эса қоматга нисбатан сал кенгроқ бўлади. Қисмларнинг конструкцияси ҳар хил. 7-8 ёшдаги қизларнинг кўйлаги бел чизигининг тепароғидан, бироқ табиий ҳолатига яқин қилиб тикилгани маъқул. 9-11 ёшли қизларнинг кийими эса қоматга нисбатан сал кенгроқ бўлиб, турли воситалар ёрдамида пастга қараб кенгайиб боради. Кўйлак бел чизиги бўйича кесмали бўлиши ҳам мумкин, бундай типдаги кўйлакнинг олд томони яхлит бўлиб, бел чизиги бўйича ортидан ёки ёнидан кесим бўлади. Пастки қисми тўғри силуэтда тикилган жемпер ва блузкаларнинг кесмаси эса бел чизигидан бирмунча пастроққа туширилади. Кўйлакларнинг бундай жойига клапанлар, чўнтаклар, планкалар, хлястиклар қўйилади.

7-8 ёшдаги ўғил болалар кийимлари асосан кенгроқ ва бадандан холироқ бўлади; шунингдек, 9-11 ёшдаги ўғил болалар кийимлари учун тўғри силуэт характерлидир, бироқ ярми тор, ярми кенглик силуэти ўзгармай қолади. Бундай силуэтда курткалар, пальтолар тикилади, тўғри силуэтни эса куртка ва кўйлакчаларнинг пастки қисмига белбоғлар, қисқичлар ҳамда виточкалар қўйиб, кўримли ҳолатга келтирилади.

Бу ёшдаги болалар ўзларининг бўш вақтларида жон деб ҳовлида спорт ўйинлари билан машғул бўладилар, конкида, чанада, чанғида учадилар ва ҳк., шунинг учун кийимнинг умумий шакли – ҳолиликдир (байрамона либослар ва уй кийимларини ҳам шу таркибга киритиш мумкин). Бу эса кокеткалар, погонлар, устки чўнтаклар, клапанлар, хлястиклардан кенг миқёсда фойдаланиш имконини беради.

Кичик мактаб ёшидаги болалар ўйин сифатида жамоатчилик учун фойдали ишларни қиладилар. Шу билан улар мактаб ҳаётидаги катта ишларга

тайёрланадилар. Бунда улар ўзларини ноқулай сезмасликлари учун уларга баданидан ҳоли турадиган кийимлар, яъни спорт кийимлари қулайдир. Бу улардаги руҳий толиқишни бартараф этувчи, уларга ўйнаш ва дам олиш имконини берувчи воситаларнинг биридир. Ҳар куни кийиладиган кийимлар асосан спорт кийимлари ёки шу фасондаги комплектлардан иборат бўлмоғи, уларнинг ранги очиқ ёки рангли бўлиши лозим.

Миллий кийимлар байрамона уй либослари ёки кундалик кийимларни тикишнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Миллий костюм учун рангдор матодан фойдаланиш кийимнинг чиройли чиқишида муҳим рол ўйнайди. Қизлар қўл меҳнати билан шуғулланганда, (устознинг бошчилигида) гулли рангдор шарфчалар, кичкина нимчалар тўқишлари, блузкаларга гулли кашталар тикишлари ва бошқа турли хилдаги мураккаб ишларни бажаришлари мумкин. Бунинг учун эса уларга рассом-модельерларнинг маслаҳати керак бўлади.

Юқори синф ўқувчиларининг кийимлари. Шундай қилиб мактаб ўқувчиларининг кийимлари жамланиб, аҳамиятига қараб асосий турларга ажратилди. Аммо болалар турли хил тадбирларда иштирок этишлари муносабати билан, уларнинг кийимлари муайян кўринишга эга бўлиши ва мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Эндиликда (спорт тури, мактаб устахоналари, тўғарақлар ва ш.к.даги меҳнат турлари бўйича) махсус кийим-бошларга зарурат туғилади. Комплект кийимларни ташкиллаштириш долзарб масалага айланади.

Болаларнинг ўсиш жараёнида характер мужассамланади, ишониш қобилияти шаклланиб, ўзини жамоатнинг бир бўлагидай ҳис қила бошлайди. Онги ўсган сайин ақли ҳам ривожланади. Мактаб дарсликлари, бадиий асарлар мутолааси, ҳар хил тўғарақлар ва спорт ўйинларида қатнашиш жиддий машғулотга айланади.

Боланинг қомати ўзгариб боради. Тез ўсишнинг янги этапи келади: қизларда 12-13 ёшда, ўғил болаларда 13-14 ёшда. Бошнинг баландлиги гавданинг узунлигига қараб 1:7 ёки 1:7,5 бўлади. Қизларда кўкрак айланаси пайдо бўлиб, сон ва болдирлар кенгая боради, бел қомати пайдо бўлади. Ўғил болаларда елка кенгаяди, шу сабабли тос ингичкалашиб, бел қомати яққол кўзга ташланадиган бўлади. Қўл ва оёқлар узунлашиб, гавданинг умумий кўриниши катталарникига ўхшаб кетади. Қизлар учун кийимлар силуэти тўрт қисмдан иборат. Энг мақбул варианты ярми тор, ярми кенгидир (узунлиги тиззагача келади), ундан кейин тўғри силуэт (спорт кийимлари каби); қоматга мос ва пастга қараб кенгайиб боровчи трапециясимон силуэтлар мавсумбоп устки кийимлар учун характерлидир.

Ўғил болалар кийимлари ўртача кенгликда тўғри силуэтда тикилади. Биринчи галда спорт кийимларига устки чўнтақлар ва бошқа деталлар кўйилади.

Қизлар қомати шаклланишининг афзалликлари шундаки, композиция марказини кийимнинг юқори қисмида жойлаштириш имконини беради, бу ерда турли хилдаги кокеткалардан сборкалар ва рельефлар ёрдамида зарур бўлган ҳажмни яратиш мумкин. Бўйин кесмаси ва ёқаларнинг шакли ҳар хил бўлади.

Кўпроқ оддий стойкалар ва стойкали ёқалардан фойдаланилади. Енг шакллари ҳам кийимнинг бичимига қараб ҳар хил бўлади.

Композиция маркази кийимнинг бел қисмида жойлашиши ҳам мумкин. Тўғри силуэтдаги кийимларда, бел қисмидан бошлаб кенгайиб боровчи юбкаларда у озгина пастга тушган белбоғ вазифасини ўтайди.

Қиз болалар гардеробига мактаб формаси, шим, юбка, блузка, сарафан, спорт куртки, плащ, пальто ва кўйлақлар киради.

Ўғил болалар кийимлари ўзининг спортлиги билан катталарнинг ёшларбоп кийимларига ўхшаб кетади. Реглан ва втач усулидаги енглар - бундай кийимлар бичимининг асосидир. Деталларни декоратив-конструктив усулда тикиш кенг қўлланилади. Ўғил болалар гардероби мактаб формаси, шим, яримкомбинезон, шорт, жемпер, устки кўйлақ, спорт куртки, пальто ёки ярим пальтодан иборат бўлади.

Бу ёшдаги болалар ўзининг юқори жамоатчилик фаоллиги билан ажралиб туради. Спорт мусобақалари, байрамлар, ҳар хил кечаларнинг катта қисмини асосан улар ўтказадилар. Улар тайёрлаган костюмлар зарур бўлган атмосферани яратишда ёрдам беради. Ўқувчилар лагерларидаги ҳар хил ташкилий ишлар катта қизиқиш билан ўтказилади. Болалар корхона ва қурилишларда экскурсияда бўладилар. Мактаб устахоналарида турли хил ишларни бажаришда уларга яримкомбинезонлар, иш фартуклари, чиройли эмблемали халатлар жуда қўл келади.

Кейинги пайтларда янги турдаги матолар, отделкаларнинг янги хиллари пайдо бўлиши муносабати билан болалар кийимлари ассортименти сезиларли даражада кенгайди: болон мато ва юпка жун матодан – капюшонкали тикишсиз устки накидкалар; икки қатли ва икки томонламали газламадан – астарсиз пальто ва костюмлар; пахтадан қилинган плащбоп газламадан, велвет, жинси ва тивитли матолардан – спорт комплектлари ва дам олиш учун кийимлар; чидамли матолар ва трикотаждан – спорт комплектлари, чарм ва трикотаж безакли шимлар, комбинезонлар, шортлар, юбкалар, гулли пайпоқлар, трикотаж майкалар, свитер ва жемперлар.

Назорат саволлари:

1. Болалар кийимини характерловчи қандай омиллар мавжуд?
2. Болалар кийимларига қандай талаблар қўйилади?
3. Чакалоқлар кийимларини моделлаштиришнинг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
4. Мактабгача ёшдаги болалар кийимларини моделлаштириш.
5. Кичик мактаб ёшидаги болалар кийимларини моделлаштириш.
6. Юқори синф ўқувчиларининг кийимларини моделлаштириш..

12-Маъруза (2 соат).

Мавзу: ЗАМОНАВИЙ МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРНИ МОДЕЛЛАШ.

Режа:

1. Ўзбек миллий кийимининг тарихий шаклланиши.
2. Ўзбек миллий кийимининг иқлим шароити ва табиатга монандлиги.
3. Замонавий моданинг миллий кийимга таъсири.
4. Миллий кийим учун ишлатиладиган газламалар.
5. Миллий кийимларни моделлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Адабиётлар: [1], 57-60 б, [4], 261-262 б, 306-310 б, [5], 81-84 б.

Кийим-кечаклар ўзбек халқи тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, моддий-маданий ёдгорликлар ичида халқларнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник белгилари билан ажралиб туради.

Кийимларда эл-элат тарихига бориб тақаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, маърифий, дин ва эстетик шаклларнинг айрим унсурлари ифодаланади. Жамият турмуши, иқтисодиёти ва сиёсатида бўлаётган ўзгаришлар билан баравар кийим шакллари ҳам ўзгариб боради, унда халқнинг моддий аҳволи, кишиларнинг диди, гўзаллик тўғрисидаги идеаллари, хўжалик юритишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда оилавий турмушнинг баъзи томонлари ҳам кўзга яққол ташланади.

Халқимизнинг хилма-хил, ранг-баранг ва жозибали либослари тарихини ўрганишдан мақсад – ёшларга миллий ўзлигини англатиш, ўзбек халқининг қадимдан то ҳозирги давргача бўлган анъанавий, бетакрор кийимларини кўрсатиш, халқимиз орасида сақланиб келаётган маданий меросимизни акс эттириш ва давомийлигини англатишдан иборатдир.

Аёллар кийими. Ушбу либос XIX аср охирларига тааллуқли бўлиб, кўйлак, лозим, нимча ва рўмолдан иборат. Кўйлак қизил рангли гулдор шойи матодан тикилган, тўғри бичимли, кенг ва узун, этаги бироз кенгайган, енглари тўғри ва узун. Кўйлакнинг олди қирқимли, тик ёқали (бу ёқа «нўғай ёқа» ёки «ит ёқа» деб ҳам аталган), олд қирқимининг юқорисида боғич билан боғланади. Устидан нимча (пешмат) кийилган. Нимчанинг узунлиги тиззадан пастроққача тушиб туради, астарли, авраси кимхоб ёки парча матодан, астари ип газламадан тикилган. Рўмол ипак толали, тўртбурчак шаклида, четлари попукли – «фаранг рўмол», диоганалига буклаб ўралган ва устидан «тиллақош» тақилган. Тиллақош – пешона беага бўлиб, юпка тилла хал юритилган кумуш пластинкадан ясалиб, пастки зийлари қош шаклида бўлган, пастида худди баргакники сингари осилчоқлари бўлган, тиллақош чиройли

нақшлар ҳамда феруза ва бошқа кўплаб ранг-баранг қимматбаҳо тошлар («кўзлар») билан безатилган.

Келинчак либоси. XX аср бошларига хос бўлган бу либос кўйлак, лозим, камзул ва рўмолдан ташкил топган. Кўйлак тўғри бичимли, кенг ва узун енгли тўпиқларни ёпиб турадиган даражада узун бўлиб, атлас матодан тикилган. Камзул кўк гулдор қалин шойидан тикилган, этаги томонга кенгайган, енглари тўғри ва узун, олди қисмида белигача тушган кенг қайтарма ёқалари бор. Бош кийим – шойи рўмол ва устидан «баргак» тақинчоқ тақилган. «Баргак» (тожик.-барг, япроқ) энг қадимий безаклардан саналади, у кумушдан ясалган ва бир-бирига нозик кумуш иплар билан бириктирилган майда квадрат шаклидаги япроқчаларданиборат бўлиб, феруза ва маржонлар билан безатилган, япроқчаларнинг устида беш ёки еттита рангли тошлар (ёки шишалар) ўрнатилган. Пастки томонида калта шокилалардан иборат попути – «шингила» бўлиб, уларнинг ҳар бирининг учига кичкина тилла суви юритилган баргчалар осиб қўйилган. Баргакни пешонабоғ устидан тақиб юрилган. Келинчак либоси яна «зебигардон» ва сирғалар билан тўлдирилган. Сирғалар кичкина қуббача шаклида бўлиб, 5-6 та осилчоқлари бўларди, «зебигардон» (форс. - кўкрак беаги) беш қатор кумуш занжирларга илиб қўйилган 7 та безакдан иборат бўлиб, марказий беаги катта бўларди. Юпка кумуш тангачалар тошчалар билан безатилиб, пастида шокилалари бўлган. Оёқ кийими – махси-кавуш.

Янги тушган келинчак либоси. XX аср бошларида Янги келинлар кийган ушбу либос атласдан тикилган кўйлак, лозим ва рўмолдан иборат. Кўйлак тўғри бичимли узун ва кенг қилиб тикилган, олдида тик қирқими бўлиб, тепаси тугмаланган. Бошида кашта билан безатилган, четлари попукли катта шойи рўмол. Келинчак узуклар, сирға ва кўкрак беаги бўлган «жевак» таққан.

Жевак беш қатор маржондан иборат бўлиб, орасида тангачалар ва шокилалари бўларди, шокилалари майда марваридлардан (арпа доналари каби) иборат бўлгани учун ҳам шундай аталган (форс. *жав* – арпа).

Қизлар кийими. Бу либос XX аср бошларида кийилган. Қиз болалар кўйлаги «кипти» ёки «киптакли» кўйлак деб аталган. Атлас матодан тикилган кўйлакнинг узунлиги болдиргача тушган ва лозим билан бирга кийилган, ёқа ўмизи кўндаланг кесилган бўлиб, зийига жияк билан ишлов берилган, енглари узун. Қадимда қизлар 9 – 10 ёшга тўлгунларича ўғил болаларники каби дўппи кийиб юришган, ундан кейин эса рўмол ўраш мажбурий ҳисобланаган. Улар унча катта бўлмаган гулдор рўмоллар ўрашган, рўмол тагидан майда ўрилган кокиллари кўриниб турган.

Ўрта ёшлардаги аёлнинг кишилиқ либоси. Бу либос XX аср бошларида кийилган, кўйлак, лозим, камзул, дурра, паранжи ва чачвондан иборат. Кўйлак узун, тўғри бичимли, кенг бўлиб гулдор шойи матодан тикилган, тик ёқали, енглари узун. Кўйлак устидан йўл-йўл беқасамдан тикилган камзул кийилган. Дурра диоганалига бир неча марта тахлаб ўралган. Тақинчоқлари сирға, узуклар ва зебигардондан иборат. Кўчага чиқилганда паранжи ва чачвон ёпиниш мажбурий ҳисобланган. Ушбу паранжи муҳайяр (товланувчан)

нимшойи газлама – банорасдан тикилган, паранжи ва чачвоннинг четлари нақшли жияклар билан безатилган. Оёқ кийими махси-кавуш бўлган.

Хонпешанабоғ. XIX – XX асрларда Аёллар бош кийими сифатида асосан рўмоллар ишлатилган. Қиз болаларга 9-10 ёшидан бошлаб рўмол ўратишган. Рўмоллар сифати, материали, ранги ва ўралиш услубига қараб хилма-хил бўлган. Энг кўп ишлатиладиган мато – дока бўлган. Аёллар рўмоллари бурчакларига кашталар тикилган. Келинлар сепида 30-40 талаб каштали рўмоллар бўлган, улар билан келиннинг уйини ясатишган. Тошкентлик аёллар 2-3 нафар фарзандлик бўлгунларича кашталталиқ рўмол ўраганлар, ундан кейин эса каштасиз оқ рўмол ўраб юришган. Аёллар бош кийимлари 2та рўмолдан иборат эди. Катта рўмол диоганалига икки букланиб, бошга ташланган, учларини олд томонга ташлаб қўйилган, ёши каттароқ аёллар рўмол учларини чалиштириб елкаларига ташлаб қўйганлар. Катта рўмол устидан кичик рўмолни диоганалига бир неча бор буклаб ўралган, бу рўмол «дурра», «дуррача», «пешонабоғ»деб аталган.

Эркаклар кийими. Эркаклар миллий кийими таркибига кўра ички ва устки кийимларга бўлинади. Ички кийимлар кўйлак ва иштондан иборат эди. Эркаклар кўйлаги асосан бир тусдаги оқ матодан тикилган, тўғри бичимли, этагига қараб бироз кенгайган, узунлиги тиззагача бўлган. Ёқаси икки турда бичилган: олди ёпиқ, кесимсиз, елкадан елкагача кўндаланг ўмизли - «муллача кўйлак», баъзан уларнинг ёқа ўмизига жияк ҳам тикилган. Иккинчи тур кўйлаклар тик ёқали, олди қирқимли кўйлаклар бўлиб, қирқимига икки букланган планка тикилган. Эркакларнинг устки кийимлари бир неча хил бўлган: пахтали қавима тўн ёки чопон, қавиксиз яхтак ёки авра тўн, мовутдан тўқилган чакмон, аврасиз пўсти, почка пўстин ва ҳ.к.з. Одатда кўйлак устидан олди очик чопон кийиб юрилган. Чопонлар сидирға газламадан, йўл-йўл беқасамдан, гулдор нимшойи газламадан ва адрасдан тикилган. Эркаклар кийим-кечаклари таркибида белбоғ алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Маҳаллий газламалардан тикилган белбоғ, белқарс ва кашталар билан безатилган чорсилар жуда расм бўлган. Бош кийимлари – дўппилар кишиларнинг ёшига ва мавқеига қараб турлича бўлган: чўққи. ярим кубба ва тўртбурчак шаклдаги дўппилар алоҳида ёки салла билан бирга кийилган.

Саллалар ип газлама, ип аралаш жун матолар, дока, баъзан қимматбаҳо матолардан тайёрланган. Аҳолининг ҳар бир ижтимоий табақаси саллани ўзига хос ўраши билан ажралиб турган. Кекса ёшдаги кишилар одатда оппоқ, ўрта ёшдагилар – кулранг, ёшлар эса рангдор сала ўраганлар. Эркаклар пойафзали махси-кавуш, «амиркон» этиклар ва чориклардан иборат бўлган.

Куёв либоси. XX аср бошларига хос бўлган либос яхтак, шим, «зарбоф» чопон ва салладан иборат. Яхтак оқ матодан тикилган, олди очик, ёқасиз, ёқа ўмизли икки букланган планка билан тикилган ва зич қилиб баҳяқатор юритилган. Яхтак устидан белбоғ бойланган. Чопон тўғри бичимли, этак томонга қараб бироз кенгайган бўлиб гулдор нимшойи газламадан тикиган, четлари қора рангли матодан мағиз қилинган. Дўппи устидан йўл-йўл шойи газламадан салла ўралган, салла укпар билан безатилган. Оёқ кийими – амиркон этик.

Назорат саволлари:

1. Ўзбек миллий кийимларининг тарихан шаклланишига қандай омиллар сабаб бўлган?
2. Ўзбек миллий кийимларининг шаклларига иқлим шароити қандай таъсир кўрсатган?
3. Ўзбек миллий газламаларининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари турлари.
5. Эркаклар кийимлари турлари.
6. Болалар кийимларининг катталар кийимларига ўхшашлиги ва улардан фарқли томонлари.
7. Ўзбек миллий газламалари ва уларнинг ранглари, нақш гуллари.